БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 39 (17.619). ● 16 февраль 1980 йил, шанба ● Баҳоси 2 тийин.

БАРВАҚТ ҚУРАМИЗ — БАРВАҚТ ЎЗЛАШТИРАМИЗ!

Мамлакатимиз капитал қурилишга жуда катта маблағ ажратмоқда. Шу маблағдан унумли фойдаланиш, сарфланган ҳар бир сўм эвазига тез, кўпроқ самара олиш — энг муҳим вазифа. Ростов областининг меҳнаткашлари ишни мана шундай моҳирона ташкил этиш, социалистик омилкорлик намунасини кўрсатмоқда. Беш йилликнинг тўрт йили мобайнида областда йиғирматадан ортиқ янги саноат корхонаси ишлай бошлади, индустриянинг асосий фондлари саккиз миллиард сўмлик миқдорда кўпайди. Шу туфайли маҳсулот ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, унинг сифатини яхшилаш имконияти туғилди.

Уртоқ Л. И. Брежнев ростовликларни меҳнатдаги ажойиб ютуқлар билан самимий табриклаб, уларнинг «Барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз» шиори остида ишлаш ташаббусини юксак баҳолади. Дон меҳнаткашларининг ватанпарварлик ҳаракати капитал қурилиш соҳасида юксак пировард натижаларга эришишга, КПСС Марказий Комитети 1979 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган.

Бу йил, беш йилликнинг якунловчи йилида 119 миллиард сўм давлат капитал маблағи ўзлаштирилиши, шу маблағнинг 70 проценти ишга туширилдиган объектларга сарфланиши лозим. Энергетика, металлургия, машинасозлик, химия, нефть, газ, енгил саноатдаги асосий фондларни анча кўпайтириш белгиланган. 109 миллион квадрат метр уй-жой қуриб битказилиши лозим. Бундан ташқари, қурувчилар бўлтурги пландан қолган корхона ва цехларни битказиб, фойдаланишга топширишлари зарур. Ростовликларнинг ташаббуси мураккаб, аммо мутлақо реал программани бажариша кўмаклашмоғи лозим. Шу боисдан ҳам бу ҳаракатни оммавий тус олдириш, барча қурилиш коллективларини ана шу ҳаракатга жалб этиш муҳим.

Кишилар билан ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишни, коммунистларнинг меҳнат коллективларидаги авангардлик ролини кучайтириш — муваффақиятга эришиш йўлидир. Свердловск, Липецк, Воронеж, Саратов областларининг партия комитетлари бу соҳада собиқдамлик билан, ижодий ишламоқдалар. Бу областларда қурилаётган ҳар бир объект коммунистларнинг доимий контроллиги остида турибди. Қурилишлардаги партия штаблари, комсомол прожекторлари ахтив ишламоқдалар. Қурилишларда хўжалик ҳисоби, «Ишчи эстафетаси» принципари, свердловсклиларнинг беш йиллик топшириқни озроқ составдаги бригада билан бажариш тажрибаси, бошқа ташаббуслар кенг миқёсда жорий этилмоқда.

Объектларни барвақт қуриб битказиш — ёмл бошланган кунданоқ юксак суръат билан, бир маромда ишлаш демакдир. Аммо иш ҳамма жойда ҳам мана шундай йўлга қўйилган эмас. Масалан, Туркманистон, Татористондаги, Пермь, Кемерово, Ярославль областларидаги кўпгина қурилиш коллективларида ҳозир сокинлик, хотиржамлик кайфияти ҳукм сурмоқда. Ҳали вақт кўп, ҳали кечикиб оламиз, деб ўйлашмоқда. Маҳаллий партия комитетлари ишга мана шундай муносабатда бўлаётганларга кескин қарши чиқишлари, коллективларда ўзаро талабчанлик, уюшқоқлик муҳитини вужудга келтириши, план топшириқлари ва мажбуриятлар сўзсиз бажарилишига эришишлари керак.

Объектларнинг ўз вақтида ишга туширилиши кўп жиҳатдан қурилишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари билан, зарур материал-техника ресурсларни билан аниқ таъминланишига боғлиқ. Лойиҳа ташкилотлари ва материал-техника етказиб берувчи заводларнинг айби билан қувватларнинг анчагина қисми ишга туширилмай қолганлигини ўтган йилларнинг тажрибаси кўрсатиб турибди. Министрликлар ва идоралар қурувчилар билан лойиҳачиларнинг, материал ва конструкциялар етказиб берувчиларнинг, транспорт ташкилотларининг ҳамдўстлигини доимо мустаҳкамлашлари, уларнинг ўзаро шартномаларни бажариш учун, объектларни ишга тушириш учун бўлган масъулятини оширишлари лозим. Бу барча қурилиш қатнашчиларининг асосий вазифасидир.

Завод, фабрикаларнинг ишга туширилиши — катта-катта меҳнат коллективлари сарфлаган куч-ғайратларнинг самарасидир. Корхонани ишлатувчи ходимлар эстафетани қабул қилиб олганларида қувватлардан фойдаланишни яхшилашнинг ҳар бир процента, сарфланган ҳар сўм маблағ эвазига олинган қўшимча тийин давлатга миллион-миллион сўмлаб фойда бериши эсда тутишлари керак. Афсуски, кадрларнинг уқувсизлиги, қувватларнинг конструкциядаги нуқсонлари, технология интизомининг пастлиги оқибатида кўпгина корхоналар узоқ вақтгача лойиҳада белгиланган маррага чиқа олмайдилар. Чунончи, Химия саноати министрлигининг ўзлаштириш муддатлари тугаган 285 та объектидан атиги 112 таси тўла қувват билан ишламоқда. Бундай ҳолларга чек қўйиш пайти келди.

Топшириладиган объектлар тезроқ лойиҳадаги қувват даражасида ишлай бошлайдиган бўлиши, чиқимларнинг ўрни жадалроқ қопланиши учун қурилишнинг сифати устидан контроллиги кучайтириш, ишларнинг таннархини камайтириш лозим. Бундай қилиш КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарори талабларига мос бўлиб тушади. Ҳозирги пайтда коллективларнинг меҳнатига тўғри иқтисодий баҳо бериш, уни моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг самарали системаси алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қурилиш ташкилотлари ва министрликларининг ишини ўзлаштирилган капитал маблағнинг ҳажмига қараб эмас, балки объектларнинг ишга туширилишига, буюртмачига топширилган товар маҳсулотга қараб планлаштириш ва белгилаш керак. Фойда ва мукофот фондларнинг миқдори шунга боғлиқ қилиб қўйилиши лозим. Ишга мана шундай ёндашиш сарфланаётган маблағ самарадорлигини ошириш имконини беради, коллективларни объектларни ишга туширишнинг программасини муваффақиятли бажаришга, ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ўзлаштиришга бутун куч-ғайратни сарфлашга мажбур этади.

Ҳар бир трест, бошқарма, бригада коллективида қурилишни жадаллаштириш резервлари бор. Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, прогулга қарши кураш, кадрлар қўнимсизлигини, машина ва механизмларнинг бекор туришини қисқартириш — энг муҳим резервлардан биридир. Қурилиш ташкилотларининг партия комитетлари, хўжалик раҳбарлари коллективлардаги тарбиявий ишни кучайтиришлари, кишиларнинг турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишлари, ҳар бир кишига юксак унум билан ишлаш учун ҳамма имкониятларни яратиб беришлари зарур.

Беш йиллик якунловчи йилнинг иккинчи ойи ўтиб бормоқда. Қурувчилар ихтиёрида белгиланган планларни дадил ҳалқалаш, социалистик мажбуриятларни бажариш ва шу тариқа В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш, КПСС XXV съезди қарорларини рўёбга чиқаришга салмоқли ҳисса қўшиш учун етарли имкониятлар бор. Ватанпарварлик ҳаракатининг моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир коллективга, ҳар бир меҳнатчига етказиш, ишга тушириладиган ҳамма объектларда шу тажрибадан фойдаланишни алоҳида назорат остига олиш — қурилишлардаги партия ташкилотларининг вазифасидир.

«Барвақт қурамиз — барвақт ўзлаштирамиз!» деган даъват ҳар бир меҳнат коллективининг шиори бўлиб қолсин!

(«Правда» газетасининг 15 февралдаги бош мақоласи).

ҚАРДОШ МАМЛАКАТДАН КЕЛГАН МЕҲМОНЛАР

Болгария Халқ Республикаси қурилиш ва бинокорлик материаллари министрининг биринчи ўринбосари А. А. Юлианов бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси бинокорлари делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмонлар Ўзбекистон ССР Монтаж ва махсус қурилиш министрлигида бўлдилар. Тошкентдаги енгил металл конструкциялар тажриба заводини бориб кўрдилар. Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмасининг экспонатлари билан танишдилар. Делегация Тошкентнинг янги қурилишларини кўздан кечиради. Самарқандга боради.

(ЎзТАГ).

✦ МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — ДОҲИЙ ЮБИЛЕЙИГА
✦ ЯНГИ ГЕРБИЦИД — ПАХТАКОРЛАРГА
✦ ЮКСАК МАРРАЛАРНИ КЎЗЛАБ
✦ МАШИНА-МЕХАНИЗМЛАРНИ МАВСУМГА ПУХТА ШАЙЛАЙЛИК

МАМЛАКАТДА БИРИНЧИ

Навоий электрохимия заводи биринчи навбатининг технологик установкалари ишга туширилди. Бу ердан республиканинг пахтазорларига которан — ғўзага зарар бермагани ҳолда бир йиллик ўтларни қуритадиган унумли гербицид юборилади. Мамлакатимизда илк бор экинни бегона ўтлардан химиявий усулда ҳимоя қиладиган воситалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Навоий электрохимия заводи тўғрисида гап борганда «илк бор» сўзини тез-тез ишлатиб туришга тўғри келади. Бу сўз которанинг ўзига ҳам, уни ишлаб чиқариш технологиясига ҳам таллуқлидир: ҳозирга қадар Ўрта Осиёда хлор синтез қилинмасди — азот ва фосфоргина ишлаб чиқариларди.

И. Мўминов номли колхознинг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эргаш Жумаев бундай деди:

— Которан бир йиллик ўтларни тамомила қуритиб, пахтазорни тозалайди. Шундан сўнг ғўза яхши ўсади, кўпроқ озуқа моддаларини ўзлаштиради ва ҳар гектар ерда қўшимча 2 центнерга яқин пахта беради. Бу нарса Шофиркон районимизнинг ўзидагина қўшимча минглаб тонна пахта олишга имкон беради. Янги гербицид модда машиналар ёрдами билан далага осонгина сепилади. Бинобарин, ундан фойдаланиш қимматга тушмайди, атроф муҳит тозароқ бўлади. Завод ишга тушган биринчи ойдаёқ деҳқонлар 50 тонна которан олишларини билиб хурсанд бўллилар.

Навоий электрохимия комбинатини қуриш давом эттирилмоқда.

Яна икки йилдан кейин ўсимликларни ҳимоя қилувчи яна икки хил воситa: анрекс ва трефлан ишлаб чиқарувчи қувватларни ишга туширишга мўлжаллаймоқда. Кейинчалик 12 минг киши ишлайдиган корхона чиқарадиган маҳсулотлар хили янада кўпаяди.

А. ФОЗИЛОВ, ЎзТАГ мухбири.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ. Зарбдор районидаги 4-совхоз меҳнаткашлари бу йил 2617 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 4500 тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилишган. Хўжалиқда техника ремонти жадаллик билан олиб бориляпти. Суратда: (чапдан) слесарь Абдуҳаким Умаров билан механик Абулқосим Қурбонбоев ремонтдан чиқарилган селлка сифатини кўздан кечиришмоқда.

Ж. Тўраев фотоси.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Бекобод районидаги «Далварзин» совхозининг илғор сут согувчиси, КПСС аъзолигига кандидат Мавлуда Умрқулова бу йил ўз боқимидаги 27 бош сигирнинг ҳар биридан 3800 литрдан сут согиб олиш мажбуриятини қабул қилган.

М. Қорабабеков фотоси.

ЖУРНАЛИСТЛАР СЕМИНАРИ

АНДИЖОН, 15 февраль. (ЎзТАГ). Журналистларнинг бу ерда бўлиб ўтган ижодий семинари пропаганда актуал вазифаларини ҳал этишда журналистларнинг ролини оширишга бағишланди. Андижон область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида» қарори асосида оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг вазифалари ҳақида доклад қилди.

ҚИШКИ ТАДБИРЛАРНИ ПУХТА АМАЛГА ОШИРАЙЛИК

Республика областларида шўр ювиш, суғориш ва коллектор-дренаж шохобчаларини тозалашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 февралга бўлган Маълумот

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — шўр ювилган майдон; учинчи устун — тозаланган суғориш шохобчалари; тўртинчи устун — тозаланган коллектор-дренажлар (топшириққа нисбатан процент ҳисобида)

ҚҚАССР	59,3	104	72,6
Андижон	106,2	89,5	101,5
Бухоро	38,5	103,7	75,3
Жиззах	100	85,7	80,4
Қашқадарё	28,8	94	75,5
Наманган	104,3	70,9	98,2
Самарқанд	76,7	98,9	89,6
Сурхондарё	59	81,3	85,9
Сирдарё	122,5	59,9	74,1
Тошкент	100	106,5	91,2
Фарғона	81,3	51,8	74,3
Хоразм	14,2	110,4	100,7

СЎЗ — ХЎЖАЛИК РАҲБАРЛАРИГА

ҲОСИЛДОРЛИК РЕЗЕРВЛАРИ

Ўтган хўжалик йилининг якунига кўра колхозимиз ҳосилдорлик жиҳатидан районда иккинчи ўринни эгаллади. 1825 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33,5 центнердан пахта етиштирилди. Пахта тайёрлаш тўрт йиллик плани ошириб ado этилди. Давлатга планда белгиланганидан 822 тонна кўп пахта сотилди. 27 та пахтачилик бригадасидан 5 таси 38—40 центнердан, 15 таси 35—38 центнердан ҳосил етиштиришга муваффақ бўлди. 12 хил маҳсулот тайёрлаш юзасидан белгиланган план ошиғи билан ado этилди.

Маҳсулотлар тайёрлашнинг шу тариқа ўсиб борётганлиги халқимизнинг юксак талабларига жавоб бера оладими? Пахта етиштиришни бундан ҳам кўпайтиришнинг резерв ва имкониятлари борми? Колхоз правленияси билан партия комитети ўз олдига ана шу саволларни қўйди. Дарҳақиқат, колхозимизда пахта етиштиришнинг ҳозирги даражаси партиямиз кўйётган талабга жавоб бермайди. Хали фойдаланилмаётган резервлар талайгина. Шулар ҳақида батафсилроқ гапирмоқчиман.

Ўтган хўжалик йилида 3 та бригада белгиланган планни бажара олмади. Булар хисобига 276 тонна пахта кам олинди. 7 та бригадада эса колхознинг ўртача кўрсаткичидан past ҳосил етиштирилди. Пахта планини бажармаслик, колхознинг ўртача кўрсаткичидан past ҳосил етиштириш оқибатида кўзда тутилганидан 544 тонна кам пахта олинди. Колхоз правленияси ва партия комитети биронта хам қолок бригада бўлмаслигига эришиш, ҳамма бригадаларни юқори ҳосилликдаги даражасига кўтаришни биринчи галдаги резервлардан деб билмоқда.

Шу мақсадда йил бошидаёқ ўрта звено кадрлари қайтадан кўриб чиқилди. Бригада бошлиқлари иккита ўрта махсус, битта олий маълумотли мутахассис, участка бошлиқларимиз ҳам етарлимиз, маълумотли кишилар хисобита мустаҳкамланди. Бу масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчидан, қолоқ, past ҳосилли бригадаларга ҳамда участкаларга колхоз правленияси, партия комитети аъзоларини биркитиб чиқдик. Биргина мисол: правление аъзоси бош агроном С. Исматуллаев қолоқ 20-бригадани оталиққа олди. Бу бригада ўтган йили 80 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 30 ўрнига 24 центнердан ҳосил олди, халқ хўжалик планига нисбатан 73 тонна кам пахта берди.

Хар қарич ердан унумли фойдаланиш, унинг ҳосилдорлигини ошириш ҳам галдаги муҳим вазифаларимиздан биридир. Колхозимизда пахта майдони 1825 гектар. Ана шу майдонларда ҳосилдорлик бир текис эмас. 1300 гектар майдондан ўрта хисобда гектар бошига 34—40 центнердан, 315 гектардан 24—32 центнердан, 210 гектардан 20—25 центнердан ҳосил олиняпти. Демак, 325 гектардан олинаётган ҳосил қаноатланарли даражада эмас. Ана шу майдонларда ҳосилдорликни гектар бошига 30 центнерга етказилган бўлсак, қўшимча 300 тонна пахта оламиз.

Ерларни картограмма асосида ўғитлаш, капитал планировка қилиш, ирригация-мелиорация шохобчаларини тартибга солишга алоҳида аҳамият берямиз. Дарҳақиқат, ота-боболаримиз айтганидек, ер тўйса, эл тўяди. Буни яхши биганимиз ҳолда маҳаллий ўғитлар тайёрлашни кучайтиряпмиз. Хўжалигимизда маҳаллий ўғит тўпловчи 4 та звено ташкил этилди. Ҳар бир звенода 25—30 тадан ишчи кучи, 25 талан транспорт воситаси мавжуд. Улар ҳозиргача далага 7 минг тоннадан зиёд маҳаллий ўғит ташиб чиқарди. Шунингдек, биз ерларни лигнин билан тўйдиришга ҳам алоҳида аҳамият берямиз. 4 та автомашина пешма-пеш Фарғонадан лигнин ташимоқда.

Пахта ҳосилдорлигини ошириш резервлари ва имкониятлари ҳақида гапирганда карталарни, ёриқлаштириш ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу иш билан ерга ер қўшамиз. Иккинчидан, пахтачиликни механизациялашга кенг йўл очилади. Колхозимиз территориясидаги ерлар атрофи тут дарахтлари билан ўралган, майда-майда карталардан иборат. Кичик карталарда кўп ер уватларга чиқиб кетади, механизацияни тўла қўллаб бўлмайди. Биз пилачиликнинг озуқа базасига путур етказмаган ҳолда карталарни ёириклаштиришга киришдик. Барча бригадаларимизда бу ишлар амалга оширилянти. Натижада 10 гектар қўшимча ерга эга бўлдик.

Колхозимиз шароитида ерларнинг шўрини ювмай, яхобга тўёдирмай, туриб, мўл ҳосил олиш қийин. 1600 гектар майдонда бир марта, 500 гектар майдонда икки марта, 120 гектар майдонда уч марта шўр ювиш ўтказиш талаб этилади. Ҳозиргача 1200 гектар майдонда шўр ювилди. Иккинчи шўр ювиш ишлари ҳам кизгин давом эттирилмоқда. Далаларимизда 140 та яхобчи ишлаётир. Уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берганмиз. Яхобчилар ўртасида социалистик мусобака ҳар ўн кунда якунланиб, ғолиблар кўчма Қизил байроқ ва 100 сўм пул мукофоти билан тақдирланиб борилмоқда. Ўтган ўн кунлик якуни бўйича 1-участканинг 7-бригадасига, 2-участканинг 16-бригадасига кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти берилди.

Техника деҳқон қаноти, деб бежиз айтилмайди. Колхозимизда бирор соҳа йўқки, унда техникадан фойдаланилмасин. Шу боисдан кўклам эшик қоқиб турган шу кунларда қишлок хўжалик техникасини баҳорги ишларга тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. 25 та ҳайдов, 85 та чопиқ трактори бугунэрта тўла ремонтдан чиқарилади. Сеялкалар экишга тахт. Ремонт ишларини жадаллаштириш учун барча чораларни кўрмоқдамиз. Бу ишга 55 дан зиёд ремонтчи жалб этилган. Улар ўртасида социалистик мусобака йўлга қўйилган.

Колхоз правленияси ҳамда партия комитети ҳосилдорлик омили бўлган юқоридаги муҳим масалаларга доимо катта аҳамият беради. Ўнинчи беш йилликнинг якунловчи йилида олдимизда турган вазифалар ҳам шуни тақозо этаётир. Бу йил 6500 тонна пахта етиштиришимиз, ҳосилдорликни 35 центнерданга етказишимиз, шунингдек, 1020 тонна сут, 160 тонна гўшт, 240 минг дона тухум, 45 центнер жун, 774 тонна дон, 656 тонна сабзавот, 463 тонна полиз маҳсулотлари, 86 тонна пилла етиштиришимиз лозим. Бу вазифаларни бажариш учун ҳамма имкониятларга эгамиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларни, улуғ доҳийимиз В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллик юбилейини муносиб меҳнат ғалаларининг қатъий шиорига айланди. Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, хўжалигимиз меҳнатчилари 1980 йил учун ўз зиммаларига олган юксак социалистик мажбуриятларини ҳамма соҳалар бўйича ошириб ado этадилар, партиямизнинг бўлажак XXVI съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан қутиб оладилар.

Ж. БАДАЛОВ, Фарғона область Бағдод районидаги «Победа» колхози раиси.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ В. В. ШЧЕРБИЦКИЙ БИЛАН УЧРАШУВИ

Украина меҳнаткашлари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Улар барча совет кишилари сингари ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш, иқтисодий тараққиёт суръатларини жадаллаштириш резервларини ишга солишга интилмоқдалар.

Днепропетровск области Баглей сайлов округи сайловчиларининг 14 февраль куни Днепродзержинск Украина ССР Олий Совети депутатлигига номзод — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Владимир Васильевич Шчербицкий билан бўлиб ўтган учрашув қатнашчилари КПСС ва Совет давлатларимиз ички ҳамда ташқи сиёсатини астойдил маъқуллаётганликлари тўғрисида, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олишга интилаётганликлари ҳақида гапиришдилар.

Йиғилиш аҳли ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюросини баланд руҳ билан фахрий президиумга сайлади.

Депутатликка номзоднинг ишончли вакили, Приднепровск химия заводи аппаратчиларининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. И. Бережний В. В. Шчербицкийнинг ҳаёт йўли, меҳнат ва иқтимоий фаоллиги тўғрисида гапириб берди.

«Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси А. Т. Потоцкая, шаҳар касалхонаси бўлимининг мудири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Г. А. Андреенко, 20-ўрта мактаб ўқитувчиси А. К. Шершнева ва бошқалар ўз сўзларида меҳнат коллективларида ҳукм сураётган зўр қўтаринкиликни таъкидлаб ўтдилар, ўртоқ Л. И. Брежнев ўз жонажон шаҳрига, унинг меҳнаткашларига доимо эътибор бераётганлиги учун сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этдилар.

Сайловчилар самимий кутиб олган В. В. Шчербицкий нутқ сўзлади. У республика Олий Советида халқимизнинг шонли анъаналарини муносиб давом эттираётган ажойиб меҳнатчилар бўлмиш днепродзержинскиларнинг вакили бўлишни партиямизнинг атоқли раҳбари, Совет давлатининг бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежнев туғилиб ўсган, меҳнат ва сиёсий чиниқишдан ўтган шаҳар вакили бўлишни ўзи учун ҳамиша зўр шараф, деб ҳисоблаб келганлигини ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблаётганлигини таъкидлади. Барча совет кишилари сингари Леонид Ильични депутатликка ўзларининг биринчи номзоди қилиб кўрсатган Украина меҳнаткашлари уни халқ билан чамбарчас боғланган, халққа ўз ҳаётини бағишлаган, халқ фаровонлигини юксалтиришга, ер юзида тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш ишига ўзининг бутун куч-қувватини сарфлаётган Ленин типидаги сиёсий раҳбар деб ҳисоблайдилар.

Украина халқи давлат ҳокимиятининг олий органи — республика Олий Советини ўнинчи марта сайламоқда. Ҳозирги сайловнинг ўзига хос хусусияти шундаки, бу сайлов ўнинчи беш йиллиқнинг якунловчи йилида, бутун мамлакатда бўлгани сингари республикада ҳам КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми ўртага қўйган масъулиятли вазифаларни бажариш соҳасида жуда катта ишлар, В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўтказилаётган оммавий социалистик мусобақа зўр куч билан авж олдирилган даврда ўтади.

Халқимиз сайловни яхши кайфият билан, ўз социалистик Ватани, унинг тарихий ютуқлари учун қонуний фахрланиш ҳислари билан кутиб олмоқда, деб таъкидладн нотиқ. Украина ССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини ва Украина Россияга қўшилганлигининг 325 йиллигини байрам қилиш КПСС ленинча миллий сиёсати гантанасининг, мамлакатимиз халқлари бузилмас қардошларча дўстлиги ва ҳамжиҳатлигининг яққол намойиши бўлди.

Депутатликка номзод республика меҳнаткашлари социал-иқтисодий вазифаларни ҳал қилишда эришган муваффақиятларни таъриф-лаб, бу ютуқлар ўз-ўзидан юзага келмаганлигини таъкидлади. Бу ғалабалар — Ленин партиясининг синалган раҳбарлигида халқимиз қаҳрамонона меҳнатининг натижасидир.

Биз эришилган натижаларга ҳамиша таниқидий баҳо берамиз, деб давом этди нотиқ. Биз ишлаётган ерларимизнинг ҳосилдорлигини ошириш, ер ости ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш, ер ости ресурсларидан ҳам оқилона фойдаланиш, ер ости ресурсларидан ҳам оқилона фойдалани

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: АТЕИСТИК ПРОПАГАНДА

ЛЕКТОР СЎЗИ ЖОЗИБАСИ

Райкомнинг штатсиз лектори, «Коммунизмга» район газетаси редактори П. Машарипов «Ислом дини ҳақида ҳақиқат» мавзуида лекция ўқишга жиддий тайёргарлик кўрди. Гарчи у ислом динининг пайдо бўлиш тарихини яхши билса ҳам, дин ва уникг реакцион моҳияти тўғрисида марксча-ленинча таълимотга оид манбаларни, илмий-атеистик адабиётларни яна бир бор кўздан кечирди. Диний ғоя ва ишонишнинг аянчли оқибатлари ҳақида шу ерда яшовчи кишилар ҳаётидан баъзи фактларни синчиклаб ўрганди. Хива обидалари ва айрим «муқаддас» жойлар мисолида хурофий ақидаларнинг сохталигини кўрсатиб бериш учун тарихий маълумотлар билан ҳам таниши.

Лекциянинг мавзуи, қачон ва қаерда ўқилиши ҳақидаги афиша кўринарли жойга ёпиштириб қўйилди. 1-маҳаллада яшовчи ҳар хил касбдаги ва ёшдаги кишилар лекцияга олдиндан тараддуд кўришди. Улар орасида атеистик лекцияга зўр қизиқиш билан қаровчи, актив тингловчилар кўп. Демак, одатдагидек бу гал ҳам лекциядан кейин савол-жавоб, баҳслар қизғин тус олиши турган гап.

Зални тўлдириб ўтирган тингловчилар орасида ёшлар билан бир қаторда катта ёшдаги кишилар кўп эди. Лекторнинг мазмундор, ҳаммага тушунарли, фактларга, далилларга бой сўзлари тингловчиларнинг диққат-эътиборини ўзига жалб этди. Диний сарқитларнинг зарари маҳаллий фактлар, конкрет мисоллар асосида очиб берилди.

Лекциядан кейин тингловчилар ўзларини қизиқтирган хилма-хил саволларни ўртага қўйишди. Лектор ҳар бир саволга аниқ, лўнда жавоб қайтарди. А. Раҳимов, Р. Мадаминов, О. Матқонов ва бошқа тингловчилар ўзлари билан воқеалар, жонли мисоллар асосида лекторнинг фикрларини фактлар билан тўлдиришди. Лекция тингловчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

Шаҳримизда ва қишлоқ жойларида бундай лекциялар планли равишда ташкил қилиняпти. Район партия комитети, «Билим» жамияти район ташкилоти, республика илмий-атеизм уйи филиали тузган планда идеологик ишнинг бу муҳим соҳасига кенг ўрин берилган. Корхона ва ташкилотларда, колхоз ва совхозларда, аҳоли пунктларида илмий-атеистик мавзудаги лекциялар белгиланган вақтда мунтазам уюштирилаётир.

Район партия комитети штатсиз лекторлар билан ишлаш, уларнинг сиёсий билими ва маҳоратини оширишга катта эътибор бермоқда. Райком ҳузурида бир йиллик атеист лекторлар маҳорати мактаби ташкил этилган. У 32 соатлик ўқув программасига эга. Хива гилам фабрикаси қошида илмий-атеизмни ўрганиш цикли йиллик университети очилган.

Меҳнат коллективларида, маҳаллаларда ўқилаётган лекцияларнинг тематикасини кенгайтириш, мазмундорлиги ва таъсирчанлигини ошириш ҳамма вақт диққат марказимизда. Район партия комитети секретари П. Матжонова «Социалистик турмуш тарзи ва янги анъаналар», врач М. Ғойибов «Хурофот — соғлиқ душмани», Хива заповедник-музейи директори Г. Муҳаммаджонова «Ислом ва оила», тарих фанлари кандидати Э. Бекматов «СССР янги Конституцияси ва виждон эркинлиги», педагог А. Абдуллаев «Фан-техника хурофотни фош этади» мавзуларида ўқиган лекциялар тингловчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Райком ва «Билим» жамияти район ташкилоти энг яхши лекторларнинг тажрибасини оммалаштиришга алоҳида эътибор беришяпти. Ҳар ойда бир марта ўтказилаётган «Лекторлар куни» ва семинарлар бу борада муҳим роль ўйнамоқда. Яқинда чиқарилган махсус плакат штатсиз лекторлардан Собиржон Юсупов, Роза Билолова, Машариф Ғойибов, Геннадий Бехер, Комилжон Абдуллаевларнинг лекция пропагандаси соҳасидаги тажрибаларини оммалаштиришга бағишланди.

Янги анъаналарни ва урф-одатларни турмушга сингдиришда қилинаётган ишлар эътиборга арзийлиқдир. Маҳаллаларда, қишлоқ жойларида тўй-маросимлар янгича ўтказилаётир.

Район партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг илмий-атеистик пропаганда олиб бориш соҳасидаги фаолиятини активлаштиришга катта аҳамият бермоқда. Бу соҳада гилам фабрикаси, Фрунзе номли, Ленин номли, Оғаҳий номли колхозлар бошланғич партия ташкилотларининг тўплаган тажрибалари диққатга сазовордир. Биз ибратли ташаббус ва тажрибаларни райком бюросида, семинарларда умумлаштириб, оммалаштирямиз. «Коммунизмга» район газетасида, маҳаллий радио эшиттиришларида атеистик пропагандага кенг ўрин берилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш, илмий-атеистик пропагандани кучайтириш, кишилар онгидаги эскилик сарқитларини тугатиш, коммунизмнинг онгли, олижаноб фазилатли будёдкорларини камол топтириш учун ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини биз яхши тушунамиз. Бошланғич партия ташкилотлари, ҳар бир коммунист, лектор, пропагандист ва агитаторлар ўз ишларини тинмай такомиллаштиришлари, сиёсий-тарбиявий иш маҳоратларини оширишлари зарур. Беш йилликнинг улкан режаларини муваффақиятли амалга оширишни идеологик жиҳатдан таъминлаш вазифаси шуни тақозо этади.

З. ҚУРБОНОВ,
Хива район партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СИЕСИЙ ЎҚУВГА ЭЪТИБОР

Дўстлик район партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари сиёсий-тарбиявий ишларни комплекс олиб боришга жиддий эътибор бермоқда. Бунда, айниқса, партия, комсомол сиёсий ўқуви, иқтисодий таълим машғулотлари алоҳида ўрин тутмоқда. Районда 47 партия, 47 комсомол сиёсий ўқуви ва 125 та иқтисодий таълим мактаблари ишлаб турибди. Уларда райондаги 7 мингга яқин партия аъзолари ва партиясизлар, комсомол-ёшлар, ишчи ва меҳнаткашлар ўз сиёсий-иқтисодий билимларини оширмоқдалар.

СЕРМАЗМУН СЕМИНАР

Гулистон шаҳрида Сирдарё область бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг икки кунлик семинари бўлди. Унда область партия комитетининг секретарлари, бўлим мудирлари КПСС Марказий Комитетининг 1979 йил ноябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан бошланғич партия ташкилотлари олдида турган вазифалар ва партия қурилишининг ҳозирги актуал проблемалари тўғрисида доклад қилдилар. Семинар охирида ўзаро тажриба алмашилди.

АГИТПОЕЗД САФАРДА

Бувайда районида Ўзбекистон ССР Олий Совети ва маҳаллий Советларга бўладиган сайловларга тайёргарлик қизғин. Район партия комитети сайловчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни янада яхшилаш йўлида агитпоезд ... қил этди. Агитпоезд сайловчиларга медицина, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш ва сайловчиларнинг талаблари юзасидан иш кўришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Агитпоезд составида «Билим» жамияти лекторлари, матбуот ходимлари, «Табассум» ашула ва рақс халқ ансамбли ижодий коллективи ҳам бор. Агитпоезд борган ҳар бир сайлов участкасида чинакам халқ сайли бошланиб кетмоқда.

ИЛҒОРЛАР — КПСС САФИГА

Нурота район партия комитети ишлаб чиқариш илғорларини КПСС сафига қабул қилишга алоҳида эътибор беряпти. «Ғозғон» совхозининг илғор чўпони Истам Исмоилов фидокорона меҳнати билан юксак натижаларга эришмоқда. У ўтган йили ҳар юз бош қ.йдан 135 тадан қузи олишга эришди. Шу кунларда қишлоқни намунали ўтказаётган чўпон 1980 йилда ҳар юз бош қўйдан 150 тадан қузи олиш режаси билан яшаяпти. Мавжуда Раҳмонова район болалар комбинатида кўп йиллардан буён тарбиячи бўлиб ишлайди. У болаларни тарбиялаш учун бор билим ва маҳоратини аямайди. Коллектив ўртасида катта ҳурматга эга. Амриддин Раҳмонов — район йўл қурилиш участкаси ишчиси. Унинчи беш йиллик топшириғини барвақт бажариш арафасида турибди.

Район партия комитетининг якинда бўлиб ўтган бюросида бу фидокор ёшлар КПСС съезолигига кандидатликка қабул қилиндилар.

24 ФЕВРАЛЬ СОВЕТЛАРГА САЙЛОВЛАР КУНИ

Халқ номзодлари

ЭЛ-ЮРТ ЭҲТИРОМИ

Фарғона мевазор боғлари, ям-яшил далалари, шўх дарёлари билан машҳур водий. Унинг меҳнатсевар, дилкаш, оқкўнгил одамлари ҳам гўзалликда водий табиатидан қолишмайди. Бу табаррук заминда не-не буюк зотлар камол топмаган. Асримиз тенгдошлари — тўнғич авлод — Октябрь инқилоби байроғини кўтарган, колхоз тузумини йўргаклаган, маърифат нурини сочган, кўҳна заминда янги ҳаёт қурган кишилар жасорати тилларда достон бўлган. Тоҳиржон Исмоилов фарғоналикларнинг отахони Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Бузрукхўжа Усмонхўжаев, машҳур ўзбек аёли, давлат арбоби, 30-йилларда ёқ район партия комитетига бошчилик қилган Тожихон Шодиева, биринчи ўзбек президенти Йўлдош Охунбобоев каби табаррук кишилардан сабоқ олган, уларнинг изидан бораётган, уларнинг ишини муносиб давом эттираётган водийнинг обрўли кишиларидан бири.

Фарғонадаги Ленинград районининг экономикасини юксалтирган, маданияти гуллаб-яшнаган машъал районлардан бири бўлиб қолди. Бу гўша ажойиб пахта усталари, машҳур пиллачилар, донгдор чорвадорлар маскани. Шу соҳибкорларнинг ҳаммаси Тоҳиржон Исмоиловни отахонимиз дейди. Район хўжаликлари экономикасининг юксалишида унинг ҳиссасини таъкидлаб ўтишади.

Қатрада қуёш акс этганидек, Тоҳиржон Исмоиловнинг ҳаёт йўлига назар ташласангиз, унда совет тузумининг ҳаётбахш қудрати яққол намоён бўлади. Чунки, бу инсоннинг тақдири мамлакат тақдири билан туташ.

1916 йилда Қўқон шаҳри яқинидаги Катагон қишлоғида туғилган Тоҳиржон кўксига комсомол значоғини тақкан 1931 йилдаёқ колхозда кетмончилик қилган. Ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги билан танилиб, район комсомол комитетида ва район партия комитетида ишлаган.

1942—1945 йилларда Ватан озодлиги учун ҳаёт-мамот жангларида қатнашди. Москва танкчилар мактабини битиргач, ўзиюрар артиллерия қуролига командирлик қилиб, юртига қолиб қайтди.

Тоҳиржон ака район ижроия комитети раислигига биринчи бор сайланганига ўттиз йил бўлди. Шундан буён у халқ хизматида, халқ ташвиши билан яшамоқда.

— Урушдан кейинги тикланиш даврида, — деб ҳикоя қилади Тоҳиржон Исмоилов, — қишлоқларимиз деярли харобага айланган, экинзорлар қуриққа айланиб қолган, шўр босган эди. Колхозлар иқтисодий жиҳатдан ожиз. Урушнинг ғамаламларини тортиб, унинг оғир кулфатларига бардош берган, лекин айрилиқ туфайли ҳали кўз ёши қуримаган, чеҳраларига табассум қўнмаган, шунга қарамай, зўр умид-ишонч билан куймаланиб меҳнат қилаётган одамлар кўнглини кўтариш зарур эди.

Худди шундай бир вазиятда ижроком раиси Пойшанканг ҳужумни ташкил қилди. Халқни Сўх дарёсининг шу асос ирмоғини жиловлашга бошлади. Дарё инсон изми билан оқа бошлади. Экинзорлар сув таҳқислигидан халос бўлди. Бунинг учун ҳашар йўли билан 37 километр бетонариқ қурилди. 600 километрдан ортиқ зовур қазилди.

Бу тадбирлар ерларнинг шўрини қочиришда, қўриқ очишда омил бўлди. Пахта ҳосилдорлиги 16—17 центнердан 23—25 центнерга кўтарилди. Хўжаликларнинг иқтисодий юксалиши туфайли хонадонларга қут-барака, файз кирди.

Ана энди район ижроия комитети раиси район партия комитети билан бамаслаҳат ишни бошлади. Қўриқ очиш, Сариқўрғон даштини ўзлаштириш учун оммавий кураш бошланди. Одамлар чўлга отланди. Езёвон чўлининг бир қисми — 4 минг гектари ўзлаштирилиб, янги экинзорлар, боғроғлар яратилди. Сариқўрғон даштининг тошлоқ ерлари ҳам гулга кирди, ҳосил берди.

Район харитасига назар ташласангиз, у бамисоли гўзал гулдастага ўхшайди. Бу гулдаста Сариқўрғондаги Сўх дарёси соҳилларидан бошланиб, «Комсомол» колхозининг Езёвон чўлидаги пахтазорларига бориб туташади. Бу гулдаста йилига 42 минг тоннадан зиёд, гектаридан 34—35 центнердан «оқ олтин» бераётган пахтазорлар, 430 тоннадан зиёд пилла етиштиришга имкон берувчи тутзорлар, мўл-кўл мева бераётган сўлим боғлар ва шу заминдаги шаҳар тусини олаётган қишлоқлар, кўркам кошоналардан иборат.

Район Советининг сессияларида, доимий комиссияларнинг мажлисларида, район ижроия комитетининг мажлисларида хўжалик-маданий қурилиш масалаларидан тортиб, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш, аҳолининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш, янги, замонавий маросимларни жорий этиш каби халқ учун зарур бўлган масалалар муҳокама қилинмоқда, ҳал этилмоқда.

Кишиларнинг орзу-истакларини яхши билиш, ҳаёт билан ҳамнафас бўлиш Советларнинг обрўсини белгилайдиган мезондир. Тоҳиржон ака раислик қилаётган Ленинград район Совети ижроия комитети эса меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини тўғри ҳал этиш билан бирга, уларни пухта ўрганишни яхши йўлга қўйди, бу эса ҳаётий масалаларни ўз вақтида кўтариб чиқиш ва ҳал этиш имконини бермоқда.

Биргина мисол: Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети «Республика колхозларида хутор системасини тугатиш ва капитал қурилишни тубдан яхшилаш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилган эди. Район партия комитети ва район ижроия комитети бу қарорнинг бажарилишини мунтазам назорат остига олди. Район Советининг сессияларида, райижроком мажлисларида қурилишни авж олдириш масалалари тез-тез муҳокама қилинди. Илғорлар тажрибаси кенг қўлланилди. Шунинг натижасида ҳозир райондаги 6 та колхоз ва Ҳамза Ҳакимзода номли совхозда кооператив қурилиш ташкилоти иш олиб бормоқда. Уларнинг кучи билан ҳозир юздан ортиқ янги, типовой уй-жой бинолари қурилди.

Тоҳиржон акани кўпинча одамлар орасида учратасиз. Ғозиғиждон қишлоқ Советидаги уч авлод учрашувларида, армияга кузатиш, чақалоқларга исм қўйиш маросимларида. Энгельс номли колхозда 40—50 йил аҳил-иноқ яшаган, ажойиб фарзандларни тарбиялаб воғга етказган пиру-бадавлат онаоталарнинг олтин ва кумуш тўйларида, Ленин номли колхоздаги Улуғ Ватан уруши қурбонлари хотирасига ўрнатилган ёдгорликни очиш пайтида, «Комсомол» колхозида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Абдусалим Деҳқонбоевга ўрнатилган бюстнинг пойига гулчамбар қўйилаётганда учратишингиз мумкин. Тоҳиржон аканинг ташаббуси билан бўлаётган бундай эзгу ишлар туфайли район меҳнаткашларининг ҳаёти янада файзли ва жозибали бўлиб бормоқда.

Қалб ҳароратини, меҳнат ва маҳоратни, меҳр ва муҳаббатни партия ва халққа бағишлаган Тоҳиржон ака Исмоилов эл-юртнинг чексиз иззат-эҳтиромига сазовор бўлган. Унинг кўксини 2 та Ленин ордени, Қизил Юлдуз ордени, Меҳнат Қизил Байроқ ордени, 7 та медаль безаб турибди. 1971 йилда унга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилган.

Яқинда 437-Учқўприк сайлов округи сайловчилари Тоҳиржон Исмоиловни тўртинчи марта Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатдилар. Ўз яратувчилик меҳнати билан она юртни обод қилиб, моз-неъмат яратаётган халққа садоқат билан хизмат қилиш, эл эҳтиромини олиш жуда катта бахтдир. Тоҳиржон Исмоилов эса шундай бахтга мушарраф бўлган киши.

Ҳ. ИБРОҲИМОВ.

КОНВЕРТЛАРНИ ОЧГАНДА

ЖАНГГОҲЛАРДА ТУҒИЛГАН ДЎСТЛИК

Ҳамиджон кўнгли чўккан онасига тасалли беришга уринарди:

— Бардам бўлинг, онажон. Ахир биз Ватанимизни, сизларни фашистлардан ҳимоя қилгани кетяпмиз-ку!

— Энди йиғламайман, ўғлим. Ой бориб, омон қайтгин...

Ҳамиджон биринчи марта Харьков шаҳри остонасида душман билан юзма-юз келди. Шиддатли жанглар бораётган. 1941 йилнинг охирларида, шундай жанглардан бирида у қаттиқ ярадор бўлди. Бир ой Ашхабоддаги госпиталда даволаниб, яна жангга отланди. Ҳ. Азбаров 2-Украина фронтида хизмат қилиб, Қрим, Украина, Кишинёвни душмандан тозалашда матонат кўрсатиб, жанг қилди.

Уста миномётчи Ҳамиджон Будапешт учун олиб борилган жангларда жасурлик намуналарини кўрсатди. Кўча жангларидан бирида у аёл кишининг чинқиригини эшитиб қолди. Аёлнинг овози аланга ичида қолган бинодан келарди. Ўзбек йигити ўт ичидан венгер аёлини олиб чиқди. Ўзини зўрга тутиб турган бу аёл русчалаб: — «Қизим, қизимни қутқаринглар!» — дея пичирларди.

Ҳамиджон яна аланга ичига кириб, бир неча дақиқадан сўнг 10—11 ёшлар чамасидаги ҳушсиз ётган қиз — Илонкани олиб чиқди. Она совет солдатига чексиз миннатдорчилик билдириб, унинг адресини олиб қолади... Уруш тугагач, Ҳамиджон ака тугилиб ўсган Андижон область, Хўжаобод районидаги Дилкушод қишлоғига ғалаба билан қайтади.

1968 йилда эса Ҳамиджон акани венгриялик бир аёл излаб келади. Бу ўша олов ичида ҳушсиз ётган Илонка эди. У ўз халоскори билан 23 йилдан сўнг дийдор кўришди. Қизнинг айтишича, онаси вафот қилибди. У ўзбек йигити Ҳамиджон акани излаб тошкиш қизига васият қилган экан. Илонка ҳам ҳаётини сақлаб қолган бу қаҳрамонни топиш иштиёқида юрганини қаяжонланиб гапириб берди.

Ҳамиджон ака Азбаров ҳозир пенсиядир. Илонка билан тез-тез хат ёзишиб туради. Улар ота-болалардай бўлиб кетишган. Жанггоҳларда тугилган дўстлик тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ш. ЗОКИРОВ,
Андижон области.

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

«Джизакстепстрой» территориал бошқармасига қарашли 7-автокорхона коллективи ўнинчи беш йиллик планини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирмоқда. Кўпгина шоферлар беш йиллик шахсий планларини барвақт уддалаб, «Социалистик мусобақа ғолиби» нишони билан тақдирландилар. Ана шундай илғор ҳайдовчилардан бири Михаил Корининг-дир. У 2 миллион 716 минг 440 тонна-километр ҳажмда иш бажариб, беш йиллик шахсий планини 154,8 процентга адо этди. М. Корининг шу кунларда 1982 йилнинг ноябрь ойи ҳисобига юк ташимоқда. В. Зубов, Т. Пардаев сингари ҳайдовчилар ҳам беш йиллик планларини 140—160 процентга бажариб, 1982 йилнинг февраль-июль ойлари ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Ҳ. ҲОТАМҚУЛОВ,
Жиззах области.

БУЛЬДОЗЕРЧИ МАҲОРАТИ

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин тугилган кунинг 110 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб меҳнат қилаётган «Хорезмводстрой» трестига қарашли Янгариқ механизациялашган кўчма колоннаси бульдозерчиси Озод Бобожонов беш йиллик социалистик мажбуриятни бажариб, 1982 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Яқинда у Амударё атрофидаги янги ерларни очишда актив қатнашиб, кунлик нормасини 200 процентга етказиб бажаришга эришди. У «Хорезмводстрой» трести бульдозерчилари ўртасида таъсис этилган эсдалик вимпелини олишга сазовор бўлди. 1980 йил Озоднинг ҳаётида унутилмас йил бўлиб қолади. Чунки, у Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Ш. ЭШЖОНОВ,
Хоразм области.

* * *

Редакция почтасига келган хатлар орасида тошкентлик И. Саримсоков, М. Эрматов, Л. Мирзаев, А. Утбосаров, В. Галимов, самарқандлик Ш. Назаров, Э. Қурбонов, фарғоналик С. Саҳсобов, С. Акбаров, бухоролик Т. Мақсудов, Қ. Бадалов, Б. Этамов, сурхондарёлик О. Фармонова, А. Абдуқаримов, хоразмлик Н. Жумабоева, А. Сафоев, қорақалпоғистонлик Т. Сейтқамолов, сирдарёлик М. Номуродов, қашқадарёлик Э. Бердиёров, наманганлик А. Қодиров, жиззахлик Ж. Сантқулозаларнинг ҳам хабар, мақола ва лавҳалари бор.

Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига номзод, коммунист Людмила Валетова «Средазэлектроаппарат» ишлаб чиқариш бирлашмасининг Тошкентдаги корхонасида электр монтажчи бўлиб ишлайди. У ўнинчи беш йиллик топшириғини ўтган йил октябрь ойидаёқ бажариб, айни пайтда В. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллиги шарафига авж олдирилган социалистик мусобақада ҳам пешқадамлик қилмоқда.

Суратда: мусобақа ғолиби Л. Валетова.

И. Глауберзон фотоси.

ИЛМИЙ ЛАБОРАТОРИЯДАН — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

ФАНИМИЗ САМАРАСИ

Халқимизда ёмон уругдан яхши ҳосил кутиб бўлмайди, деган гап бор. Аслида ҳам шундай. Қишлоқ хўжалиги илмий-тадқиқот муассасаларида уруғчилик ишларини янада яхшилаш, унинг самарадорлигини ошириш масаласи КПСС XXV съезди ва партия Марказий Комитети 1978 йил июль Пленуми қарорларида алоҳида уқтириб ўтилганлиги бежиз эмас. Бу борадаги илмий-тадқиқот ишлари қишлоқ хўжалигини юксалтиришнинг порлоқ истиқболини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Галлачиликда сўнгги ўттиз йил мобайнида ҳосилдорлик бўйича «Қизил шарқ» бугдойнинг ёки «Ўнумли арпа»нинг олдига тушадиган навнинг йўқлиги барча тадқиқотчилар учун ташвишли бир ҳол бўлиб қолди. Ҳосилдор, касалликка ва қўрғоқчиликка чидамли, донли тез пишиб етиладиган ва пояси ётиб қолмайдиган янги навларни яратиш бу соҳадаги асосий вазифалардан бири эди.

Олимларимиз селекция ва уруғчилик соҳасида изланиш ишларини жадаллаштириш, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни амалиётга жорий этиш борасида изчил иш олиб бордилар. Ниҳоят ўтган йили юмшоқ бугдойнинг «Тезпишар» деб номланган нави яратилди. Унинг ҳосилдорлиги «Қизил шарқ» навидан қариб икки баравар юқори. Айни пайтда, у сариқ занг билан касалланмас ва ётиб қолмас эди. Лалмикор ерларда «Тезпишар»нинг уч йиллик ўртача ҳосилдорлик кўрсаткичи гектар бошига 27 центнерни ташкил этди. Буни республикамиз галлачилигида сезиларли бурилиш деб айтиш мумкин. Институт тажриба участкасида бугдойнинг бу нави 150 гектар ерниг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил берди. Натижада бу нав ўтган йили деҳқончиликка кенг жорий этиш учун йўлланма олди.

Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, ўтган йили институтимиз коллективи фаолиятида ҳам катта ғалабалар йили бўлди. Бугдойнинг «Тезпишар» навидан ташқари яна икки янги нав амалиётга жорий этилди. Бу нўҳатнинг «Юлдуз» ҳамда сортонинг (жухори) «Сангзор» навларидир. Энди қора моллари озуқа базасини бойитиш муаммосини ҳал этишда «Сангзор»нинг муҳим роль ўйнашига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Чунки Бухоро область хўжаликларида «Сангзор» экилган майдонларда ҳар гектаридан 1200 центнердан кўпроқ олинди.

Маккажўхорининг «Дўстлик» нави эса қариб 160 центнердан дон, нўпалб кўпроқ беряпти. Иштихон ва Каттақўрғон район хўжаликларида бу нав синовлан муваффақиятли ўтди. Сугориладиган ерлар учун яратилган арпанинг «Таъзим» нави ҳам «Ўнумли арпа»га қараганда икки баравар кўп — ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил беради. Шунингдек, ўн кун эрта пишиш, ётиб қолмаслиги, касалликларга чидамлилиги билан у галлакорларга жуда манзур бўлмоқда. Самарқанд области хўжаликлари ўтган йил куздаёқ 6 минг гектар ерга шу нав арпа уругидан экишди.

Беш йилликнинг якуновчи йилини, доҳий В. И. Ленин тугилган кунининг 110 йиллигини янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиш билан нишонлаш институт коллективининг қатъий қароридир. Биз бу йил яна тўртта янги навни республика нав синаш комиссиясига тавсия этамиз. Булар беданинг «Арид», арпанинг сугориладиган ерларда экишга мўлжалланган «Қарши», соргонинг лалмикор ерларга мўлжалланган «Қандли жўхори», зигирнинг «Бахмал» навларидир. Институтимизда селекция ва илмий-тадқиқот ишлари деҳқонларимиз олдида турган, партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилаётган долзарб вазифаларни муваффақиятли ҳал этишга қаратилган. Галла ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари турини кўпайтириш, ернинг унумдорлигини ошириш соҳасидаги вазифаларни ҳал этиш деҳқонлар зиммасига ҳам масъулият юклайди.

Зигир сингари шифобахш мой берадиган экин майдонларининг кейинги пайтда кескин камайиб кетишига нима сабаб бўлди? 40-йилларда зигир экиладиган майдон республикамизда 50 минг гектарни ташкил этарди. Маълумки, партия ва ҳукуматимиз кўрсатмасига асосан мойли ва дуккакли экинлар экишни кўпайтириш ва уларнинг селекциясини янада кучайтиришимиз лозим. Бунда бизда яратилган «Бахмал-1058» нави жуда қўл келади. Чунки, бу нав лалми ерларда гектаридан 6—8 центнердан, беда билан аралаш экилганда 12—13 центнердан, суғориладиган ерларда эса 20 центнердан ҳосил беради. Айни вақтда институтнинг Қорақишлоқ таянч пункти илмий ходимлари бу соҳада янада истиқболли изланишлар олиб бораётирлар. Агар хўжаликлар билан давлат ўртасида зигирни ғалла ёки аралаш озуқага алмаштириш юзасидан илгари мавжуд бўлган қонда жорий қилинса айни муддао бўлар эди.

Ерларнинг унумдорлигини оширишда нўхат экишнинг аҳамияти катталигини кўпчилик яхши билади. Ҳозиргача бу ўсимликнинг мавжуд навлари паст ўсадиган бўлгани учун уни механизациялаш имконияти йўқ эди. Энди лалмикор олимларимиз томонидан яратилиб, районлаштирилган «Милютинский-6», «Ўзбекистон-8» ва «Юлдуз» навларининг бўйи 55 сантиметрга етади. Республика бўйича нўхат экиладиган майдонларни тўрт-беш баробар кенгайтириш пайти келди. Бизда яратилган «Ўзбекистон-8» нўхат нави қардош Озарбайжонда катта майдонларга экилмоқда.

Илмий-тадқиқот олиб бориш машаққатли ва ғоят фахрли ишдир. Чунки илмий лабораторияларда бошланган иш амалиётга жорий этилиб, ўз самарасини кўрсатгунча олис «масофа»ни босиб ўтади. Олимлар лабораторияларда энг нозик, баъзан «майда» ишларни ҳам бажаришади. Ишлаб чиқаришда эса бу тадбирларни амалга ошириш имконияти ҳамма вақт ҳам бўлавермайди. Тадқиқот ишларининг самараси ана шундай майда ишларнинг бажарилишига боғлиқ бўлмаслиги керак.

Институтнинг алмашлаб экиш лабораторияси мудири, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати М. Ропиев ҳозир беш ва олти далали алмашлаб экиш схемасини жорий этиш устида ишлаяпти. Унинг бири адир зона учун, иккинчиси эса тоғли ва тоғолди зона учун мўлжаллаб-моқда. Ҳозир бу схема Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё областларида қариб 600 минг гектар ерга жорий қилинди. Беш далали алмашлаб экиш схемаси бу иш жорий этилмаган ерга қараганда ҳосилдорликни гектарига 7,6 центнерга, соф даромадни эса 37,3 сўмга ошириш, ҳосил қийматини эса 2,2 сўмга арзонлаштириш имкониятини бераётир. Олти далали алмашлаб экишда эса ҳосилдорлик 6,8 центнерга, соф даромад 20 сўмга ошади. Қиймати эса 50 тийинга арзонлашади.

Генетика лабораториясида бугдойдаги занг касаллигига чалинмаслик ва қурғоқчиликка чидамлилик белгиларининг авлоддан-авлодга ўтиши ҳамда маккажўхори дурагайларида лизин миқдорининг ўзгарувчанлиги устида изланиш олиб бориляпти. Физиология соҳасида бугдойнинг совуққа чидамлилигининг биохимик асослари таҳлиқ этиляпти. Хуллас, дон ва озуқа экинлари генетикаси, селекцияси масалалари бўйича бир қатор чуқур илмий-тадқиқот ишлари давом этмоқда. Бунда экиларнинг сариқ ва қўнғир занг, гельминтоспориоз, аскохтиоз каби касалликларга қарши иммунитет ҳосил қилиши масалалари ўрганилмоқда.

Айни пайтда давлат нав синаш комиссиясидан ўтган ҳосилдор экин навлари уруғларини олиш, республика хўжаликларини олий репродукцияли уруғлар билан таъминлаш билан ҳам шуғулланмоқдамиз. Бу ишлар марказий экспериментал база ҳамда Жиззах областининг «Ғаллаорол», Қашқадарё областининг К. Маркс номли экспериментал хўжаликлари меҳнаткашлари томонидан амалга оширилаётир. Элита ва биринчи репродукцияли уруғлар етказиб бериш юзасидан белгиланган планлар муттасил муваффақият билан бажарилмоқда.

Институтда бригадир ва агрономларнинг малакасини ошириш мактаби ташкил қилинган. Бу ерда галлакорларга фан ютуқлари билан илғор тажрибаларни ишлаб чиқариш бригадаларида жорий этиш юзасидан махсус тавсиялар ўргатилади. Айни вақтда коллективимиз мамлакатимиздаги олий ва илмий-тадқиқот институтлари ва бир қатор хорижий мамлакатлар мутахассислари билан ҳам илмий алоқа боғлаган.

Институт илмий ходимлари галлакорларни ҳозирги замон фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни қамраб олган илмий тавсиялар билан таъминлаш, фан ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, қишлоқ хўжалигида, жумладан, галлачиликда гарантияланган ҳосил олишнини таъминлаш учун ғаларнинг куч ва билимларини аямайдилар.

М. ОМОНОВ,
Ўзбекистон галлачилик илмий-тадқиқот институтининг директори, биология фанлари кандидати.

БРОЙЛЕР ХЎЖАЛИГИ

Қўриқ Октябрь районида бундан олти йил мўқаддам ташкил этилган Тимирязев номли паррандачилик совхози тобора ривожланмоқда. Бройлер товуқ гўшти етиштиришга ихтисослаштирилган бу хўжалик комплексининг тўртинчи зонаси қурилиш шу кунларда жадал олиб борилмоқда. Бу ишни «Мирзачўлсовхозстрой» трестига қарашли 49-механизациялашган кўчма колонна меҳнатчилари амалга оширишмоқда.

Ҳозир совхозда 350 минг бош парранда боқилмоқда. Ҳар бирининг ўртача тирик вазни 1150 граммга етказилиб, гўштга топширилади. Хўжаликнинг Б. Анқабоева, М. Бердибекова, М. Сарибоева сингари ўнлаб ишчилари бу ишда ғайрат кўрсатмоқдалар.

Р. БЎЛАТОВ,
Жиззах области.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ. Қўшкўпир районидаги О. Қурбонов номли колхознинг сут-товар фермаси меҳнаткашлари бу йил ўтган йилдагидан 45 минг килограмм кўп сут етказиб беришга аҳд қилишган. Фермаларнинг илғор ишчиларидан опа-сингил Қўшагул, Ўғилжон ва Бозоргул Бобоевалар ҳамкасбларига ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда. Бозоргул Латиповна Бобоева опа-сингилларнинг энг каттаси бўлиб, ҳамкасблари уни область Совети депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Суратда: (чалдан) Қўшагул, Ўғилжон ва Бозоргул Бобоевалар.

Қ. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

АДАБИЙ ЎЙЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

ТАЛАБЧАНЛИК ВА МАҲОРАТ

Ҳар қандай ижодкор улуғвор тилаклар, мақсадлар йўлида яшаши, меҳнат қилиши, курашиши керак. У инманинки амалга оширмасин, қандай вазифани бажармасин, барчасини юксак талабчанлик билан амалга оширса кўзланган натижаларга эришади, беқиёс довонларни чўққиларни забт этади. Зотан, ҳар бир қаламкаш одамлар онги, тафаккурини ўзгартириб, уларнинг қалбларига малҳам бўладиган ўткир, жанговар, салмоқли сўз айтиш ораси билан заҳмат чекади. Лекин барча интилиш-изланишлар ҳамма вақт муваффақиятли якунланавермайди. Ҳозирги ҳаёт тараққиётини, замон руҳини ифодалайдиган янги, оригинал ғоялардан ташкил топган жонли, ҳаққоний образлар, бадиий типлар анча тараққий этган ҳозирги проза ва шеъриятимизда ўз аксини топмоқда. Истеъдодли қаламкашларимиз эришаётган ютуқларни мустаҳкамлаш учун ҳаммага маълум, тўғри, аммо ҳеч қандай завқ-шавқ, маънавий сабоқ бермайдиган фикрлар, мулоҳазаларни хилма-хил шакларда, кўринишларда шунчаки баён этган юзаки асарларнинг асл моҳиятини кўрсатиш, уларни холисона танқид қилишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Коммунистик партиямиз ва халқимиз ёзувчиларимиздан ғоявийлик билан бадиийлик бирлигини таъминлаган ҳолда ўткир ижтимоий муаммоларни, инсон ҳаёти, меҳнати кечималарини тадқиқ этувчи бадиий жиҳатдан мукаммал асарлар талаб қилмоқда. Худди шу ўринда «тадқиқ этиш» деган иборага алоҳида урғу беришни истар эдик. Негаки, ғоявийлик билан бадиийликнинг бирлиги, яхлитлиги, жипслигини таъминлаш ҳам, ёзувчининг ҳаётга, маънавий-руҳий тараққиётга, жамият тараққиётига муносабати, унинг ижтимоий эстетик қарашлари, орзу-ниятлари, ғоялари, интилиш-изланишлари ҳам реал борлиқни қандай тадқиқ этиши билан белгиланади. Бадиий тадқиқот руҳи барқ уриб турмаган ҳар қандай образ, қаҳрамон характери ва ижтимоий типгина эмас, балки иккинчи, учинчи даражали персонажлар ҳам, деталлар, штрихлар ҳам, ҳатто ҳар бир сўз ҳам таъсирчанлик кучига эга бўлмайди. Ахир, ҳаётда бор нарсани олиб, уни шунчаки тавсифлаб, баён этиб бериш билан кимга наф келтириш мумкин? Кимнинг қалбини тўлқинлантириб, кимнинг онги-тафаккурини бойитиш мумкин?

Шунчаки тадқиқ этиш эмас, балки янгиликлар, кашфиётлар яратишга асос бўладиган тадқиқ этишга эришиш учун жуда кўп қийинчиликларни, тўсиқларни бартараф қилиш керак. Масаланинг шу жиҳатига ижоднинг ҳаёт-мамотини аниқловчи омил деб қараш адабиётимизни ажойиб дурдоналар билан бойитган. сўз санъатининг ўлмас кашфиётларини яратган забардаст адибларимиздан мерос бўлиб қолган. Атоқли адибимиз Ойбек ўзининг машҳур «Навоий» романини ёзаётганда қандай қолатни бошидан кечирганини эслаб, қуйидагиларни таъкидлаганди: улуғ шоир ва мутафаккир ҳаётига оид фактлар, воқеаларни шунчалик чуқур, батафсил урганган бўлсам керакки, ўзимни гўё Ҳиротда ишаётгандек, қаҳрамоним билан, унинг дўстлари, мухолифлари билан бир муҳитда нафас олаётгандек, Тошкентда эмас, балки, Ҳиротда тутилиб ўсгандек вазият вужудга келган эди.

Англашиляпти-ки, тақрорланмас бадиий олам яратган Ойбекнинг ижодга қараши, ҳаётий материали ўзлаштириш, идрок этишидаги ўзига хослиги сўз санъатининг мукаддас қонуниятига риоя қилган ижодкор юксак маҳорат чўққиларига кўтарилиши мумкинлигини кўрсатади.

Истеъдодли қаламкашларимиз бунга ёзган ҳолда қаҳрамонларнинг ҳаётини чуқурроқ ўрганишга, турмуш ҳодисаларини барча мураккабликлари, зиддиятлари билан ўзлаштиришга, фақат «характерлар етилгандан» кейин ёзишга интилмоқдалар ва интилишларининг самарали якунланиши учун забардаст санъаткорларимиз, атоқли адибларимизнинг ижодий тажрибаларини ҳисобга олиб, улардан ўз изланишларига, бутун фаолиятига юксак талабчанлик билан ёндашишни ўрганиш лозимлигини англаб етганлигини намоён қилмоқдалар. Зотан, бадиий ижоднинг мавжуд анъаналарининг қимматли жиҳатларини ўзлаштириб, уларни янги мазмун билан бойитиш, ривожлантириш, янги тараққиёт босқичига кўтариш натижасидагина юксакликларни забт этиш мумкин. Бироқ, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон, Ғафур Ғулом каби буюк сўз санъаткорлари ижодига хос анъаналарни чуқур ўзлаштирган ҳолда кўплаб бадиий кашфиётлар яратиляпти, деб бўлмайди.

Яратиш учун эса бу адибларга тақлид қилиш ёки уларга эргашиб юриш ёхуд кашф этган образларини қайтадан «тиришириш» эмас, балки уларнинг маҳорат мактабидан ибратли таълим олиб, ҳар бир ижодкор, ўз истеъдодини янада ёрқинроқ, тўлароқ намоён этмоги дарворки, буни ўддалаётганлар орасида тажрибали ёзувчиларимиз ҳам, ёш истеъдод соҳиблари ҳам мавжудлигини мамнуният билан қайд қилгимиз келади. Улардан Одил Ёқубов ва Ўктам Усмоновни эслатиб ўтиш кифоядир.

Одил Ёқубов хилма-хил, мураккаб қийинчиликларни, машаққатларни мардонавор енга борио, ижодий ўсиш-ўзгаришни давом эттириб, 1980 йилда босилиб чиққан «Муқаддас» қиссаси билан ўзига хос ёзувчи сифатида тутилганини исботлаган бўлса, «Улуғбек хазинаси» (1973) ва «Диёнат» (1977) романларида ўзининг ижодий камолотга эришганини кўрсатди.

Ҳар иккала романнинг танқидчилигимиз томонидан юксак баҳоланганлиги, бирининг 1976 йилда, иккинчисининг 1980 йилда Иттифоқимиздаги эътиборли адабий-бадиий журналлардан бўлган «Дружба народов»да босилиб чиқканлиги, чиқаётганлиги, «Улуғбек хазинаси»нинг бир қанча ҳорижий тилларга таржима қилинганлиги бежиз эмас.

Одил Ёқубов ўзига талабчанликни янада ошира бориб, «Улуғбек хазинаси» билан «Диёнат»нинг айрим ўринларида учрайдиган баёнчиликни ҳам, баъзи образлар, характерлар талқинидаги юзакиликни, бирёқламаликни ҳам энди ёзилаётган асарларида такрорламасликка интилиши, бадиий маҳоратнинг янги чўққиларига кўтарилиши, қисқаси, ижодий ўсиш-ўзгаришни бир лаҳза тўхтатиб қўймаслиги зарур.

Бу мулоҳазаларимиз Ўктам Усмоновга ҳам тегишли. У ўзига талабчанлик билан қарагани учун ижодий изланишларини узоқ вақт давом эттириб, ҳаётий материални чуқур ўзлаштиргани ва «Гирдоб» романида кўрсатди.

«Гирдоб»нинг фазилатлари, унда йўл қўйилган айрим нуқсонлар адабий-ганқидчилигимиз томонидан тўғри кўрсатилди.

Тўғри, биз униси зарур, буниси зарур, деб талаб қиламаётганимиз ва бу талаб юз фоиз ўринлатилмаслиги мумкин ва табиийдир. Чунки, ижод ҳам ҳаёт сингари доимо ўсиш-ўзгаришда бўлади, нималардир амалга ошади, нималардир қолиб кетаверади. Лекин ижодкор ўзидан қониқмаслик туйғуси билан заҳмат чекиб, истеъдодининг олдин очилмаган қирраларини кашф этиш йўлидан бориши керак ва зарур. Бунга ҳамма қаламкашларимиз ҳам риоя қилавермаслигини Озод Шарафиддинов Ўлмас Умарбековнинг «Дамир Усмоновнинг икки баҳори» қиссасига бағишланган мақоласида («Ўзбекистон маданияти», 1979 йил 14 сентябрь) ишонарли ёритади.

Дастлаб Ўлмас Умарбековнинг ҳақиқатан истеъдодли ёзувчи эканлиги, адабиётимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётганлиги, салмоқли асарлар яратганлиги алоҳида таъкидланади. Сўнгра қуйидаги фикр исботланади: «лекин Дамир характерининг моҳиятига синчиклароқ назар ташласак, унда ёзувчининг ҳаётга ва ундаги реал одамларга муносабатидаги бир зиддият аён сезилиб турганини кўрамиз, ёзувчи ўз қаҳрамонини идеаллаштирмаса ҳам, уни реал ҳаётий зиддиятларга дуч келтиришга шошилмайди — қаҳрамон характерини ҳаётнинг муросасиз курашлари, қарама-қарши манфаатларнинг ҳаёт-мамот жанглари жараёнига солиб кўрмайди».

Қисса таҳлилидан англашиладики, Ўлмас Умарбеков сюжет негизини ташкил этувчи воқеаларни қайноқ ҳаётимиздан олади, конфликтни ҳаракатга келтирувчи кучларни тўғри белгилайди, тўқис-бичишлардан, уйдирмалардан қочади, бироқ жиддий тўқнашувлар, олишувлар мантиқий изчиллик билан ривожлантирилмайди ва характерлараро курашлар бошланиши биланоқ тугаб қолади.

Пировардида танқидчи шундай хулоса чиқаради: «Бу қусур фақат Ўлмаснинг қаламигагина хос эмас, у бугунги ўзбек прозасида анча кенг тарқалган қусурдир... Ҳатто истеъдодли деб тан олинган айрим ёзувчилар ижодида ҳам сўнгги йилларда шундай қусур намоён бўлмоқда».

Бунга қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, Одил Ёқубовнинг «Илғаман», қисман «Қанот жуфт бўлади» асарларида ҳам схематизмга дуч келганмиз.

Хўш, нима учун Одил Ёқубов бу иллатлардан қутула бориб, юқорида мамнуният билан тилга олинган романлари билан ижодий юксакликларга кўтарилди-ю, Ўлмас Умарбеков фаолиятида эса жиддий ўзгаришлар, катта бурилишлар рўй бермаяпти? Ахир, у иқтидорсиз, истеъдодсиз қаламкаш эмас-ку! Демак, шуниси аён бўляпти-ки, битта иқтидор, битта истеъдоднинг ўзи ижодий муваффақиятни таъминламас экан. Бунинг учун ижодкор ўз талантига талабчанлик билан ёндашиб, уни авайлаб, меҳр ила ўстириш тўғрисида ҳам ўйлаши керак. Қайси бир қаламкашда истеъдод ўз ишонасини кўрсатса, унда ижодий талабчанлик туғуси туғилади. Ҳамма гап мана шу туйғуни қудратли мавжга, бадиийэстетик эҳтиёжга айлантириб, ўшанга мувофиқ қалам тебратишга боғлиқдир, лекин амалда биз ҳамма вақт юксак талабчанлик ила баркамол асарларнинг моҳиятини чуқур ёритиш билан бирга хилма хил шакларда намоён бўлаётган схематизм, юзакилик, баёнчилик иллатларига аёвсиз ўт очилмаяпти? Бу ишда биринчи навбатда, шубҳасизки, танқидчиларимиз ҳам жавобгардир. Баъзи мунаққидларимизнинг нуқул асоссиз мақтовларга йўғрилган тақризлар, мақолалари дўндириб ташлаётгани бундан ҳам ташвишлидир.

Ёзувчиларимизнинг марксча-ленинча таълимотни бекам-кўст эгаллаб, материалистик билиш назариясига мувофиқ ижод қилаётганлигини, бирёқламаликлар, ноаниқликларга заррача ён босмай, адабиётимизнинг ғоявий соғломлигини таъминлаётгани тўғрисида баралла овоз билан мулоҳаза юритамиз ва бунга ҳеч ким шак келтирмайди. Аммо социалистик реализмнинг ҳаётбахш кучи, улуғвор қудрати фақат ҳаққоний образларда, жонли, ҳаётий характерларда намоён бўлишини илмий жиҳатдан бақувват, ҳаққоний таҳлил орқали кўрсатишимиз керак.

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ,
филология фанлари доктори.

ҚОЛОҚЛИКДАН ЙИЛҒОРЛИККА

«Партия XXII съезди» колхози Хатирчи районидаги қолоқ хўжаликлардан ҳисобланарди. Айниқса, чорвачилик, ғаллачилик, боғдорчилик тармоқлари оқсар, пахтадан олинаётган фойданинг бир қисми ундан кўрилган зарарни қоплаш учун сарфланарди.

Район партия комитети колхозчиларнинг илтимосларига кўра бу хўжалик раҳбарларини янгидан сайлашга қарор қилди. 1974 йил январида колхоз правлениесининг ҳисобот йиғилиши ўтказилиб, кўп йиллар давомида илғор хўжаликларда бош бухгалтер бўлиб ишлаган, деҳқончилик сир-синоатини яхши билган Жўрақул Раҳмонов якдиллик билан раисликка сайланди.

Янги раис аввало колхоз ветеранларини ҳамда коммунист ва комсомолларини йиғиб, улар билан қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашди. Хўжаликни қандай қилиб қолоқликдан олиб чиқиш хусусида улардан фикр-мулоҳаза олди.

Янги раис правление аъзолари билан биргаликда бу ерда айтилган фикр-мулоҳазаларни амалга оширишга киришди.

Хўжаликда жами 2380 гектар ер бўлиб, бундан 1895 гектарига пахта экиларди. 1974 йилда гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олинган бўлса, 1979 йилда 40,5 центнердан хирмон кўтарилди. Шундай қилиб, қисқа даврда ҳосилдорлик гектар бошига 8 центнерга ошди.

Авволлари ялпи ҳосилнинг 40—45 проценти машиналарда терилиб, ҳар бирининг иш унуми ўртача 45—50 тоннани ташкил этган бўлса, 1979 йилда 35 та терим агрегати билан ҳосилнинг 80 процентдан кўпроги саранжомлаб олинди. Ҳар бир агрегат билан 120 тоннадан «оқ олтин» териб олишга эришилди. Насиба Тўрақулова, Абдурашид Ҳайитов, Мустафо Жониев каби «заангори кема» капитанлари мавсумда 320—350 тоннадан дурдона териб бериб, колхоз хирмонига барака киритдилар.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бу ерда механизацияга катта эътибор берилганлиги туфайли беш йилдан буён пахта йиғим-теримида четдан ҳашарчи таклиф этилаётгани йўқ. Бунинг ҳисобига ҳар йили 180—200 минг сўм атрофида иқтисод қилиняпти.

1979 йилда об-ҳаво ноқулай келганига қарамай колхоздаги 22 та бригаданинг ҳаммаси пахта тайёрлаш планларини ошириб бажарди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Омон Болтаев, Ханифахон Тогаева, Чора Пўлдошев, Шаҳрихон Саъдуллаева, Бобоқул Тулкиев ҳамда Сирож Убайдуллаевлар раҳбарлик қилаётган бригадаларда ҳосилдорлик 45—57 центнерга етди. Шуниси қувончлики, ўтган йили 100 процент ҳосил 1 сортга қабул қилинди.

Хўжаликда чорвачилик, боғдорчилик ҳам ривожланди. Чорва моллар сони 1100 бошга етди. Сигирлар зотини яхшилаш туфайли беш йил мобайнида сут тайёрлаш икки баравар, гўшт етиштириш 4 баравар кўпайди, тухум етиштириш 3 баравар ошди. Пиллачиликда ҳам катта ютуқларга эришилди. Бир вақтлари 200 қути қурт уруғи боқилиб, ҳар қутисидан ўртача 60 килограммдан ҳосил олинган бўлса 1979 йили 300 қути қурт уруғининг ҳар қутисидан 85 килограммдан хирмон кўтарилди. 5 йил олдин колхоз бўйича 3 миллион сўм даромад қилинган бўлса, ўтган йили 5 миллион 200 минг сўм даромад олинди. Натижада, колхозчилар машининг ҳар бир сўми ҳисобига яна 1 сўмдан тўланадиган бўлди.

Хўжалик иқтисодий жиҳатдан бақувват бўла борганлиги туфайли бу ерда ободончилик ишлари ҳам тобора авж олмоқда. 180 хўжалик янги уйларга кўчиб ўтди. Қишлоқларнинг ҳаммасига водопровод суви келтирилди. Эндиликда газ келтириш ишлари бошланяпти.

Колхозчиларнинг моддий-маданий ҳаёти тобора яхшиланмоқда. Бу ерда 150 колхозчи ўз шахсий енгил автомашинасига эга.

Биз Хатирчи район партия комитетининг биринчи секретари Рўзиқул Махмонов билан суҳбатлашдик. У қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Районимиздаги 15 хўжаликдан баъзилари қолоқ ҳисобланарди. Бу хўжаликларга билимдон, ёш мутахассислардан раисликка тавсия этдик. «Партия XXII съезди» колхози раиси Ж. Раҳмонов, Киров номли колхоз раиси агроном Б. Орипов, Калинин номли колхоз раиси Т. Наразуллаев ўртоқлар ўзлари раҳбар бўлиб борган қолоқ хўжаликларни илғорлар қаторига олиб чиқдилар. 1979 йилда район бўйича ўртача 37,5 центнердан пахта хирмони кўтарилиб, йиллиқ план ошириб бажарилди. Районимизда бирорта ҳам қолоқ хўжалик қолмади. Бу йил ҳар гектар ердан район бўйича ўртача 40 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз.

Хатирчилик пахтакорлар баҳорги экиш кампаниясини пухта тайёргарлик билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

А. НАБИХЎЖАЕВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбири.

ПЛАНЕТАМИЗДА

ХАНОЙДА МИТИНГ

Вьетнам коммунистлари ва бутун Вьетнам халқи, деди ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари Ле Зуан, Совет Иттифоқи, Чехословакия ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар билан бирга тинчлик, тараққиёт ва социализм учун курашмоқда. Ле Зуан ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак бошчилигидаги ЧССР партия-давлат делегацияси шарафига ўтказилган Вьетнам — Чехословакия дўстлиги митингида нутқ сўзлади. Делегация расмий дўстона визит билан ВСРда меҳмон бўлиб турибди.

Ле Зуан Вьетнам Социалистик Республикасининг бошқа қардош социалистик мамлакатлар билан дўстлиги ва ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жуда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Бу эса Вьетнам халқи учун илҳом манбаидир. Вьетнам халқи ВКП IV съезди илғари сурган социалистик қурилиш вазифаларини амалга ошириш учун курашмоқда, Пекиннинг агрессив кирдикорларига қарши мамлакатнинг мудофаа қудратини мустаҳкамламоқда.

Митингда Совет Иттифоқининг принципиал позицияси қўллаб-қувватланди. Бу позиция Л. И. Брежнев «Правда» газетаси мухбири саволларига жавобларида баён этилган. Бу муҳим баёнот Совет Иттифоқи кескинликни юмшатиш сиёсатини давом эттиришга қатъий қарор берганлигини акс эттириши, АҚШдаги муайян доиралар учун огоҳлантириш бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Кескинликни юмшатиш сиёсатини мустаҳкамлаш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қуролсизланиш томон кескин бурилиш ясаш, деди Г. Гусак, инсоният олдида турган ғоят муҳим вазифадир. Чехословакия Варшава Шартномасида қатнашувчи бошқа давлатлар билан биргаликда АҚШ бошлиқ реакцион ва милитаристик кучларнинг хатарли ва масъулиятсиз йўлини қатъиян қораламоқда. Уларнинг бу йўли халқаро вазиятни кескинлаштиришга, «совуқ уруш» замонларига қайтишга қаратилгандир.

Г. Гусак Вьетнам халқининг социализм қурилишида эришган муваффақиятларига ҳамда ВСРнинг тинчликни мустаҳкамлашга, мустақиллик ва хавфсизликни таъминлашга, Жанубий-Шарқий Осиёдаги давлатлар билан тинч ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган изчил ташқи сиёсатига юксак баҳо берди.

* * *

14 февралда Ханойда Вьетнам — Чехословакия музокаралари ниҳоясига етди. ВСР билан ЧССР ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Ханой.

(ТАСС).

АДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ президенти Ж. Картернинг Афғонистонга қарши гаплари ҳамон давом этаётганлиги муносабати билан Кобулда АХДП Марказий Комитети Бош секретари, АДР Революцион Кенгаши Раиси ва Бош министр Бабрак Кармал раислигида АДР ҳукуматининг фавқулодда мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда қабул қилинган баёнотда АҚШ президентининг Афғонистон Демократик Республикаси шаънига айтган нисбатларик гаплари ва ёлғон уйдирмалари кескин танқид қилинади.

Бахтар агентлиги томонидан таркатилган баёнотда, жумладан бундай дейилади: 23 январда Ж. Картер «Мамлакат аҳволи хусусида» Америка конгрессига мактуб оркали мурожаат қилди. Биз шу мактуб билан танишиб чиқиб, Афғонистон ва унинг атрофида бўлаётган воқеаларнинг Америка маъмурияти бошлиғи томонидан шу ҳужжатда талқин этилишидан ғазабланганлигимизни ва норозилигимизни изҳор этмай қола олмаймиз. Мактубда ҳақиқий аҳвол тамомила четлаб ўтилади ва воқеалар бутунлай тескари тарзда тасвирланади.

Ҳақиқатда Америка президенти, ҳеч қандай ассоса эга бўлмагани ҳолда, афғон халқи ва афғон давлати раҳбарлари номидан гапириб, мамлакатимиз учун нима яхшию нима ёмон, биз қандай ҳокимиятга эга бўлишимиз, қандай сиёсат олиб боришимиз кераклигини белгилаш ҳуқуқини ўзлаштириб олибди.

Бундай баёнотлар Ватанимизнинг ички ишларига қўпол равишда аралашувни давом эттиришдан бошқа нарса эмас. Президент Ҳ. Аминнинг мустабид ҳукуматига қарши халқ кўзғолонини «Афғонистоннинг мустақиллигини туғатиш», деб даъво этишга жўръат қилди. Ҳолбуки, халқ кўзғолони қонли репрессияларга, соф виждонли ватанпарварларни қўзғин қилишга хотима берди. Ҳақиқатда Ҳ. Амин диктатурасининг ағдариб ташланиши Афғонистонни бошқа мамлакатларга қарши агрессив ҳаракатлар учун плацдармга айлантириш йўлидаги уринишларни барбод этди. Афғонистоннинг суверенитети, мустақиллиги ва территориал бутунлиги ташқиридан бўладиган чексиз қуролли хуружларга мухофаза этилди. Бунда гап мустақиллигимизни «туғатиш» тўғрисида эмас, балки уни тиклаш ва мустаҳкамлаш тўғрисида бораётганлиги равшан эмасми?

Биз мазкур мактубда Совет Иттифоқи шаънига қўйилган айблаши қатъиян рад этамиз. Совет Иттифоқи ташқи агрессияга қарши курашда бизни қўллаб-қувватлади, Вашингтоннинг бу агрессияга дахлдорлиги эса сир эмас, дейилади баёнотда. Бизнинг илтимосимизга жавобан Совет Иттифоқи ўзининг шартномадаги мажбуриятларини бажарди. У халқаро ҳуқуққа тамомила мувофиқ равишда ҳаракат қилди.

АҚШ президентига шу нарса яхши маълумки, бизнинг илтимосимизга мувофиқ афғон территориясига киритилган чекланган миқдордаги совет Қуролли Кучлари ватанимиз чегараларини ташқиридан бостириб киришдан мухофаза қилиш учун кўмаклашмоқда. Америка маъмуриятининг бошлиғи бизни ёрдам сўраб СССРга мурожаат қилишга мажбур этган сабаблар йўқолиши биланоқ совет қисмларининг Афғонистондан олиб кетилиши тўғрисида Совет ҳукуматининг ва бизнинг аниқ ваъдаларимизни менсимаяпти.

АҚШнинг империалистик доиралари Афғонистондаги ва унинг атрофидаги воқеаларга халқаро кескинликни юмшатишга путур етказиш учун бир баҳона деб қараб, шунинг учун ҳам президент бу ҳақда атайлаб гапирмаётган эмасмикин?

АДР ҳукумати ва халқи АҚШнинг мамлакатимиз ички ишларига, қандай шаклда бўлмасин аралашувини қатъиян рад этади, деб таъкидланади ҳужжатнинг охирида. (ТАСС).

ГАРОВГА УШЛАБ ТУРИЛГАНЛАР МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

ПАРИЖ. Эрон президенти А. Банисадр француз радиосининг мухбири билан суҳбатда ойтилло Ҳумайнига гаровга ушлаб турилган америкаликларни оғушатиб юбориш планини топширганини айтди. Банисадрнинг сўзларига қараганда, Ҳумайни бу планни маъқуллаган. Қўшма Штатлар ўзининг Эрон билан муносабатларгаги хато позициясини «узоқ вақт давомида тан олиши» гаровга ушлаб турилганларни қўйиб юбориш учун энг катта талабдир, деди Эрон президенти. АҚШ ҳукумати, деб таъкидлади у, аввало бизнинг учта талабимизни қабул қилиши: шоҳ ҳукмронлиги даврида АҚШ Эронни ўзига бўйсундиришга уринганлигидан иборат айбини эътироф қилиши; бизнинг шоҳ ва унинг қариндош-уруғлари қилган жиноятлар учун уларни судга бериш ва улар ўмариб кетган бойликларни қайтариб олиш мақсадида шоҳ ва унинг қариндош-уруғларини таъқиб қилиш ҳуқуқимизни тан олиши; АҚШ келгусида Эроннинг ички ишларига аралашмаслигини билдириши лозим. Гаровга ушлаб турилганлар қўйиб юборилиши учун мана шундай қилиниши шарт, деди Банисадр.

Башарти Ҳумайни билан Ислом Революцион Кенгашининг аъзолари ўртасида гаровга ушлаб турилганларни қўйиб юбориш хусусида нихтилоф чиқмаса, АҚШнинг Теҳрондаги элчихонасини ишғол қилиб турган студентларга қарши куч ишлатишнинг ҳеч қандай зарурати бўлмайди, деди сўнгра Эрон президенти.

ТЕҲРОН. (ТАСС). «Имом йўлининг издошлари» бўлмиш Эрон студентлари гаровга ушлаб турилганларни қўйиб юборишнинг Банисадр таклиф қилган планина оптилло Ҳумайни маъқуллаганига шубҳаланмоқдалар. Башарти бу гап рост бўлганида, у бу ҳақда бизга хабар қилган бўлур эди, деб таъкидлади студентларнинг вакили матбуот учун берган баёнотида. Ҳар ҳолда биз план қабул қилинганини имом ҳалоинқа эълон қилмагунча бундай фикрга йўл қўймаймиз.

Ж. КАРТЕРНИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 14 февраль. (ТАСС). Бу ерда АҚШ президенти Ж. Картернинг асосий ташқи сиёсий муаммолерга бағишланган навбатдаги матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Афғонистон, Эрон хусусида, АҚШнинг ўз иттифоқчилари билан муносабатлари ҳақида саволлар берилди. Кўпчилик саволлар Картернинг кескинликни юмшатишни кўпоришга қаратилган ўз авантюристик сиёсатига мос келадиган саволларгагина жавоб бериш имкониятини яратиш учун Оқ уйнинг матбуот бўлими томонидан бирвакт тайёрлаб қўйилганлигини журналистларнинг дораларида таъкидлаб айтмоқдалар.

АҚШ Америка элчихонасининг Теҳронда ушлаб турилган ходимларини озод қилиш учун БМТ Бош секретари воситачилигида Эрон билан музокаралар олиб бормоқда, деди Картер. К. Вальдхеймнинг ўтмишдаги шох фаолиятини текшириш учун «вазифалари пухта белгилаб қўйилган» махсус комиссияни Эронга юбориш тўғрисидаги таклифларини муайян шароитларда АҚШ қўллаб-қувватлайди, деди у. Картер музокараларнинг ҳозирги боскичи нозиклигини ва ҳ. қилиб, мана шу алоқаларнинг моҳиятини ошкор қилиб қўйиши мумкин бўлган қўшимча саволларга жавоб беришдан бўйин товлади.

У «бутун дунёда экспорт қилинаётган нефтнинг ундан икки қисми шу ердан олинаётганини» ва Қўшма Штатлар бу ерда «ўз мақсадларига етиш учун ҳамма имкониятлардан фойдаланишини» айтиб, Эрон ва бутун Форс кўрфази районининг нефть бойликларига ошкора тажовуз қилиш руҳида гапирди.

Аммо Картер ўзгаларнинг казилма бойликларидан фойдаланишни «Америка миллий манфаатлари» доирасига киритишга қандай ҳаққи борлигини ва АҚШ ўз соҳилларидан бир неча минг миля олисда бутун тарих давомидаги энг катта ҳарбий денгиз кемаларини қай асосда тўплаб қўйганини изоҳлашни лозим деб ҳам топмади.

Ж. Картернинг шундан кейинги сўзларидан маълум бўлишича, маъмурият Афғонистонни ҳам «АҚШнинг ҳаётий манфаатлари» доирасига киритмоқда, бу мамлакатни у «биз учун дунёнинг энг муҳим районларидан бири» деб атади. Ҳатто Вашингтоннинг Афғонистонда қандай ҳукумат ўрнатиш лозимлигини ҳал этиш учун қандайдир «ҳуқуқи» бор, деб даъво қилди.

Вашингтон маъмуриятининг бошлиғи суверен Афғонистонга ва Афғонистондаги воқеалар муносабати билан Совет Иттифоқининг сиёсатига яна тухмат ёғдириб, Афғонистоннинг ички ишларига империалистларнинг аралашувини кучайтиришга чақирди. Афғонистонга қарши қуролли агрессияни яхада кучайтириш ва Покистонни қўшни мамлакатга қарши уруш ҳаракатлари бошлашга гиж-гижлаш программасини ўртага ташлади. У мусулмон мамлакатларнинг фикрини сўраб-нетиб турмай, айни шу давлатлар Афғонистонга қарши Вашингтон амалга ошираётган интервенцияда қатнашишлари лозим, деб эълон қилди. АҚШ бу интервенцияни БМТ байроғи билан никоблаш истагида эканини айтди.

Ж. Картер ўз маъмуриятининг биринчи галдаги вазифаси АҚШнинг ҳарбий қудратини ошириш эканини яна бир бор таъкидлади.

У қуролланиш пойгасига қарши чиқаётган АҚШ халқининг талабларини писанд қилмай, бундай деди: «мен мудофаа бюджетининг ўзим таклиф этган даражага нисбатан қисқартирилишига қаратилган ҳар қандай уринишларга жуда кескин қаршилик қиламан». Бунда у Пентагоннинг 1981 молия йили учун планлаштирилган 160 миллиард доллардан ортиқ мислсиз катта бюджетини назарда тутди.

Ж. Картер «совуқ уруш» тилида гапиришга ўтиб, ўз маъмуриятининг халқаро кескинликни кучайтиришга олиб борадиган бир томонлама ҳаракатларини ва Оқ уйнинг Москвадаги Олимпиада ўйинларида қатнашишдан бош тортиш тўғрисида куни кеча халқаро Олимпиада комитети рад этган таклифини оз бўлмаса ушлаб ютуқ деб кўрсатмоқчи бўлди.

Ж. Картер аслида Вашингтон маъмуриятининг ядро уруши хавфини кучайтиришга қаратилган барча ҳаракатларини ҳам АҚШнинг НАТОдаги иттифоқчилари қўллаб-қувватлаётганини тан олишга мажбур бўлди ва улар билан «баъзи бир ихтилофлар бор», масалан вашингтондагилар «французлардан рози эмаслар», деб айтди. Америка президенти ГФР канцлери Г. Шмидтга нисбатан беадиша гап айтиб, беш Ғарб мамлакати ташқи ишлар министрларининг бўлажак кенгашида Франциянинг иштирок этиши хусусида «бир битимга келинмаганлиги» учун уни гуноҳкор қилди.

Президентга ЮСФР президенти И. Броз Титонинг сиҳатсаломатлиги ёмонлашуви муносабати билан «Югославияни ҳимоя қилиш учун» Америка қўшинларидан фойдаланиш зарурати туғилмайдими? — деган ва Оқ уйда қасддан тўқиб чиқарилган савол ижтиҳатлик мақсадида берилди. Картер ўз жавобида гўё И. Броз Тито мен билан «югослав халқига ёрдам бериш» ва блокларга қўшилмаган мамлакат бўлмиш югославларни «ҳимоя қилиш» тўғрисидаги илтимосни муҳокама қилди, деган ва Югославия томонидан расмий равишда рад этилган америкача сохтакорликни такрорлашдан нари ўтмади.

Американликларни маъмуриятнинг авантюристик ташқи сиёсати оқибатларини ўйлаб кўришга чақираётган АҚШ сиёсий арбобларининг нутқлари хусусида Ж. Картер, айниқса, гижиниб гапирди. Жумладан, у бўлажак сайловда президент лавозими учун курашда демократик партиядаги ўз рақиби бўлмиш сенатор Э. Кеннеди шаънига қўпол хуруж қилди. Кеннедининг Эрон ва Афғонистон масалаларида Оқ уйнинг сиёсати хусусидаги танқидий мулоҳазаларини Картер «ғирт» деб таърифлади.

ТАНЮГ ХАБАРИ

ТАНЮГ агентлигининг хабар қилишича, ЮСФР президенти И. Броз Титонинг соғлиги ўтган тун мобайнида оғир аҳволда бўлган.

Врачлар консилиуми интенсив даволаш мораларини кўришлари натижасида аҳволи бирмунча яхшиланган. Аммо беморнинг соғлиги ҳамон жуда оғир.

АХБОРОТ

МАТБААЧИЛАР ЗАФАРИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги шарафига социалистик мусобақани авж олдириб юборган Андижон область «Коммунист» босмахонаси ишчилари ўнинчи беш йиллигининг якунловчи йили дастлабки ой планини шараф билан бажардилар.

Матбаачилар бир ойда пландаги 31 минг сўм ўрнига 32 минг сўмлик маҳсулот реализация қилдилар. Эришилган бу муваффақиятларда ҳарф териш, линотип цехлари ҳамда илғор ишчилардан Н. Нигматулина, З. Карпова, А. Ильдатов, О. Ибрагимова, М. Назаров, Қ. Ҳакимоваларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Босмахона меҳнат аҳли ўзаро мусобақани авж олдириб, йиллик планни 24 декабрга бажариш, йил охиригача планга қўшимча 7 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилди.

Б. ЗОКИРЖОНОВ.

ҚУЛИ ГУЛ ИШЧИЛАР

Қува мебель фабрикасининг қўли гул ишчилари янги йилда ҳам меҳнат зафарларини кўпайтирмоқдалар. Корхона январь ойида планда белгиланганидан 370 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарди.

Фабрика мебелсозлари В. И. Ленин туғилган кунга бағишлаб ўтказиладиган шанбалик куни 16 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Иш ҳақининг 850 сўми беш йиллик фондига ўтказилади. Шу куни фабрика ишчилари 500 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтказишни ҳам мўлжалламоқдалар.

Б. ХОЛМАТОВ.

ШАҲАР ЧИРОЙИ

«Андижаноблколхозстрой» трестининг 9-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари Пахтаобод шаҳри марказида яна бир қурилишни қўлдан чиқардилар. Бу янги автостанция меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсата бошлади.

Сўнгги бир-икки йил мобайнида шаҳарда темир-бетон буюмлари заводи, 400 ўринли кинотеатр, омонат касса, шаҳар Совети биноси, савдо комплекси ва кўплаб уй-жой бинолари қад кўтарди.

А. АСҚАРОВ.

ЛИМОНЗОРЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Киров районининг Шоберди массивида тўрт совхоз, икки колхоз ва бошқа бир қатор муассаса ҳамда идоралар кучи билан лимон етиштириладиган теплицалар қурилиши бошлаб юборилган эди. Ҳозир бу қурилишлар ниҳоясига етказилди. Беш гектар майдонни ташкил этган теплицаларга дастлабки лимон ниҳоллари ўтқазилди. Келажакда массивда лимон етиштириладиган теплицалар янада кенгайтирилади.

С. НИШОНБОЕВ.

ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

«Госкомсельхозтехника» Яккабоғ район бирлашмаси қошида янги дорихона ишга тушди. Район аҳолисига хизмат қилаётган дорихоналар сони бу билан ўнтага етди.

Шунингдек, Нурота район «Ўзбекистон комсомоли 50 йиллиги» совхозида ҳам ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Яқинда совхозда 3 та магазин, 2 та касалхона, 10 дан ортиқ уй-жой ва почта бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Навбатда эса 32 километрлик йўл, бир қатор уй-жой бинолари, мактаб қурилиши кўзда тутилмоқда.

Ж. БОБОЕВ, Н. ҚУРБОНОВ.

* * *

Шунингдек, редакцияга **А. Насриддинов** (Наманган), **Н. Тўрабоев** (ҚҚАССР), **А. Эшқувватов, М. Рустамов** (Самарқанд), **А. Отамуродов** (Жиззах), **Т. Умаров** (Фарғона), **Қ. Каримбеков** (Тошкент) ва бошқа ўртоқлар ҳам хат-хабарлар йўллашган.

Хат муаллифлари В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги муносабати билан Тошкент давлат университетида бўлиб ўтган институтлараро илмий конференция, республикамиз социалистик қурилишларида фаол қатнашган, Улуғ Ватан уруши ветерани, пенсионер 95 ёшли Жаҳонгир Мирзаев ҳақида ҳикоя қиладилар. Лотереясига ютуқ чиққан кишиларнинг қувончлари, агитпунктлардаги қизғин ҳаёт ҳам газетхонларимизнинг диққат-эътиборларидан четда қолмаган.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

Чимён тоғ этаклари чанғи спорти ишқибозларининг севимли жойларидан бири бўлиб қолган. Бу ерларни янада ободонлаштириш йўлида кейинги пайтларда кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Чанғи спорти шинавандалари учун барча қулайликларга эга бўлган тўқиз қаватли меҳмонхона бинаси қурилаётир. Бу — спортчилар тўғрисида қилинаётган гамхўрлик намунасидир. Суратларда: 1. Меҳмонхона қурилишида, 2. Чанғичилар машқи.

В. Таран фотолари.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ГАГАРИН ЭККАН ДАРАХТ

Сочидаги яшил паркда дунёда биринчи космонавт Юрий Гагарин эккан магнолия яшнаб турибди.

Боғлар кўндир дунёда,
Дарахтлар ҳам беҳисоб.
Ҳар бир боғнинг файзи ҳам
Бу оламга кўрк эрур.
Уларни чўмилтириб
Бошидан сочар офтоб.
Этак-этак олову
Этак-этак қувонч, нур.
Улар ичра бири бор,
Асил эрур асилдан.
Назаримда у бизнинг
Йигирманчи асрдан
Олис-олис йилларга
Иўлладн ўтпи салом!
Олқишлайди замонни,
Олқишлайди одамни!

Коннотга илк карвон
Қўйган муҳтарам инсон —
Сенга ҳар бир юракда
Ширин-ширин эҳтиром.
Сени фарзандим дейди
Бутун дунё ҳар қачон,
Асрлар ошё яшар
Совет ўғли деган ном!
Боғларда шовуллайди
Дарахтлар кеча-кундуз.
Улар аро ягона
Биттаси бор улуғвор —
Ҳар битта япроғига
Қўниб олибди юлдуз
Ҳар битта япроғига
Меҳмон бўлибди баҳор.

ОЛАМ ГЎЗАЛ

Олам гўзал,
Одам гўзал,
ҳаёт бошқача,
Мен дунёга ҳавас билан боқиб яшайман.
Меҳнкидир она Ердан то қуёшгача,
Дарёларнинг тўлқинида оқиб яшайман.
Агар қўлим кўкка чўзсам, Ойга етади,
Ойни олиб ёр бўйнига тақиб яшайман.
Бу ҳаётга ҳамма ўзин меҳрин битади,
Мен қалбимни элим учун ёқиб яшайман!

ТЎЛҚИН.

ТУҲФАТ

ИЖОДКОРНИНГ ХАЙРЛИ ИШИ

Адабиётимиз боғида пайдо бўлган ранг-баранг асарларни бошқа тилда қайтадан яратиб, қардош адабиётларимиз ўртасидаги ижодий ҳамкорликни, дўстликни яна ҳам мустаҳкамлаш — таржимонларимизнинг хайрли ишларидандир. Мирзабаҳром Солиев бу хайрли ва олижаноб ишга арзирли ҳисса қўшиб келаётган ёзувчилардан. Агар бизда асл нусхадан рус тилига бевосита бадиий таржима қила олувчи таржимонлар кам эканини ҳисобга олсак, М. Солиевнинг хизматлари аққол кўзга ташланади. У ўзбек адабиётининг қатор намуналарини Бутуниттифоқ миқёсига олиб чиқишда яхши фаолият кўрсатди.

Мирзабаҳром Солиев ёзувчиларимизнинг бир қатор роман, қисса ва ҳикояларини рус тилига таржима қилиб, уларга иккинчи ҳаёт бағишлади. Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Ҳамид Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Ғайратий, Иброҳим Раҳим, Саида Зунунова, Мақсуд Қориев, Сами Абдуқаҳҳор, Раҳмат Файзий, Жуманиёз Шарипов. Ҳабиб Нуъмон ва бошқа ёзувчиларимизнинг асарлари М. Солиев таржимасида рус китобхонлари қўлига тегди.

М. Солиевнинг ижодий йўли таржима назариячиси сифатида бошланди. У 1950—1951 йилларда таржимачиликнинг энг муҳим масалаларига бағишланган бир қанча йирик мақолалар эълон қилди. Мазкур мақолалар республикамизда таржима назариясининг янги босқичдаги ривожи учун туртки бўлди.

Таржима асарининг муваффақиятли ёки муваффақиятсиз чиқиши биринчи навбатда истеъдодга боғлиқ. М. Солиевнинг ўзбек романининг бевосита оригиналдан рус тилига бадиий таржима этиши биздаги таржимачилик тарихида муҳим воқеа бўлиб, бу таржимонинг талантидан гувоҳлик беради. М. Солиев таржималарида ўз маҳоратини намойиш эта олган. Бу ўринда Ғафур Ғуломнинг «Шарқатда шарм йўқ» ва «Менинг ўғригина болам» ҳикоялари таржимасини эслаш кифоя. Ғ. Ғулом ижодининг ноёб фазилати бўлган бетакрор юмор, миллий колорит, ёрқин образлар таржимада тўла ўз ифодасини топди.

Ҳ. Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» комедиясининг таржимаси ҳам М. Солиев қаламидан сайқал олди. Бу таржималарни ўқиган кишининг таржимон маҳоратига тан бермай иложи йўқ.

М. Солиев М. Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча», Ж. Шариповнинг «Хоразм», Ҳабиб Нуъмон ва Аҳмад Шорахмедовнинг «Ота» романлари ҳамда бир қанча қиссаларнинг бадиий таржимасини амалга оширди. У она тилимизда яратилган образларни рус тилида жонлантирар экан, ҳамиша ўзига хос бадиий воситалар топади. Таржимон — ижодкорга айланади.

Ҳозирги вақтда таржима назариясига оид мунозаларда, бу соҳанинг назариётчи олимлари ва ёзувчиларнинг чиқишларида таржимачиликнинг ривожланишида сўзма-сўз таржималарнинг жуда катта аҳамияти бор эканлиги қайта-қайта таъкидланди. Моҳирона қилинган сўзма-сўз таржима асл нусхадаги такрорланмас бадиий оламнинг руҳи, нафасини ўзида мужассамлантира оладики, бусиз сўзма-сўз таржимани ҳақиқий бадиий таржимага айлантириш ниҳоятда қийин. Шу сабабларга кўра М. Солиевнинг таржимачилик фаолиятига баҳо бериш учун унинг жуда кўп машҳур таржимонларга бадиий таржима асарлари яратишда кўмак берган сўзма-сўз таржималарини тилга олиш зарур.

Мирзабаҳром Солиевнинг таржимонлик фаолиятида таржима назарияси ва амалиёти уйғунлашиб кетади. Шу нуқтаи назардан М. Солиевнинг сўнгги йилларда эълон қилинган мақолалари катта қимматга эга. Айниқса, унинг Тургенев асарларини ўзбек тилига таржима қилиш тажрибаси борасида катта кузатиш асосида ёзилган илмий иши муҳимдир. Бу иш М. Солиев ҳимоя қилган кандидатлик ишининг асосини ташкил этади.

Мирзабаҳром Солиев ҳамиша ижод дарди билан яшаб, адабиётимиз манфаати йўлида ҳалол, фидокорона меҳнат қилиб келди. Биз эллик ёшга тўлган толмас таржимонга бундан кейин ҳам таржимачиликда янгі ижодий муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳаким НАЗИР.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

18 — 24 ФЕВРАЛЬ

18 ФЕВРАЛЬ ДУШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

11.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.35 — Сиз яратган боғ. 17.05 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига. 17.35 — Халқаро конкурслар лауреати Н. Гаврилова чалади. 17.45 — Орлёнок. 18.20 — Беш йиллик. Якунловчи йил. 18.50 — Қизил погонлар. Бадиий фильм, 1-серия. 20.00 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 21.30 — Время. 22.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 22.30 — Концерт. Концерт тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

18.10 — Иришканинг кундалиги. Фильм. 18.25 — Ўсмирлар учун. 18.55 — Ешлик. 19.20 — Қишлоқ меҳнаткашлари хизматида. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Тожикистон ССР-да хизмат кўрсатган артист Жўрабек Набиев куйлайди. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ўзбек куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Республика чорвадорларининг муҳим вазифалари. 22.30 — Озодлик солдатлари. Бадиий фильм, 1-фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Қизиқувчилар экрани. 20.55 — Олий математика. 21.55 — Ўқитувчилар учун консультация. 22.25 — Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» (Тошкент) — «Кристалл» (Саратов).

19 ФЕВРАЛЬ СЕШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.10 — Қизил погонлар. Бадиий фильм, 1-фильм. 11.20 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 14.55 — Янгиликлар. 15.15 — Халқ депутатлари ҳақида ҳужжатли фильм. 16.20 — Бил ва уддала. 17.05 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Халқ оҳанглари. 18.20 — Ҳуқуқ ҳақида суҳбатлар. 18.50 — Дунё воқеалари. 19.05 — Қизил погонлар. Бадиий фильм, 2-фильм. 20.10 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 21.30 — Время. 22.15 — Хоккей. СССР — Финляндия. 22.55 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — 23.55 — Фильм-концерт.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Мактаб ўқувчилари учун. 12.30 — Ғалабадан сўнгги жанг. Бадиий фильм, 1-серия. 18.15 — Мультфильм. 18.25 — Спорт программаси. 18.55 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Техника ремонтини сифатли ўтказайлик. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Дилимдасан, қўшиғим. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Озодлик солдатлари. Бадиий фильм, 2-фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Адабиёт. 20.55 — Ўқитувчи экрани. 21.25 — Физика. 22.25 — Менинг Ирениим. Фильм.

20 ФЕВРАЛЬ ЧОРШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.10 — Қизил погонлар. Бадиий фильм, 2-фильм. 11.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 15.05 — Янгиликлар. 15.25 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Инсон ва қонун. 16.40 — Рус тили. 17.10 — Горнчилар, қаердасиз! 17.40 — Миллионлар ленинча университети. 18.10 — Сайловлардан — сайловларгача. 18.40 — Дунё воқеалари. 18.55 — Қизил погонлар. Бадиий фильм, 3-фильм. 20.00 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 21.30 — Время. 22.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 22.30 — Оммавий симфоник куйлардан концерт. Концерт тугагач дунё воқеалари.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Химиядан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Биз қувноқ ва шодон яшаймиз. 12.30 — Сиқлиқат саноати. 13.00 — Ғалабадан сўнгги жанг. Бадиий фильм, 2-серия. 18.20 — Болалар учун фильм. 18.30 — Ёзувчилар болаларга. 19.00 — Сайловлардан — сайловларгача. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Шеърият билан учрашув. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Чорвачиликнинг тажриба ва муаммолар. 22.30 — Озодлик солдатлари. Бадиий фильм, 3-фильм.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Адабиёт. 20.55 — Реклама. 21.10 — Бизнинг бош муҳбиримиздан. 21.40 — Физика. 22.40 — Ҳужжатли фильм.

21 ФЕВРАЛЬ ПАЙШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.10 — Қизил погонлар. Бадиий фильм, 3-фильм. 11.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 17.05 — Музей ва кўргазма заллари бўйлаб. 17.35 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 19.35 — Т. Хренников. Учинчи симфония. 19.55 — Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Болалар учун фильм. 12.00 — Маншук ҳақида қўшиқ. Бадиий фильм. 13.15 — Ҳужжатли фильм. 13.30 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллигига бағишланган Ўзбекистон пионерларининг йўқлаймаси. 17.35 — Мультфильм. 17.55 — Ешлик. 18.20 — Меҳнат интизоми — ишчининг виждони. 18.40 — Ахборот. 18.55 — Дирижёр ҳикоя қилади. 19.35 — Ахборот. 19.55 — Москва шаҳар Фрунзе сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ А. Н. Косигин билан учрашуви.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Ота-оналар учун консультация. 20.55 — Назарий механика. 21.55 — Иманте Судмалис кўчаси. Фильм. 22.25 — Романтика театри.

22 ФЕВРАЛЬ Ж У М А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.10 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 15.05 — Янгиликлар. 15.25 — Ҳужжатли фильм. 16.05 — Жонажон табиат. 16.30 — Шахмат мактаби. 17.00 — Москва ва москваликлар. 17.20 — Д. Фурманов. Чапаев. 18.05 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 19.05 — Дунё воқеалари. 19.20 — П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр ижроси учун концерт. 19.55 — Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАЛАРИ

I.

11.30 — Рус адабиётидан ўқув кўрсатуви. 12.00 — Қувноқ нотачалар. 12.45 — Ҳужжатли фильм. 13.15 — Камалак. 13.45 — Қор маликаси. Бадиий фильм. 15.10 — Замандас. 17.35 — Мультфильм. 17.55 — Студентлар қурилиш отряди — 79. 18.10 — Ахборот. 18.25 — Ешлик. 19.05 — Ахборот. 19.25 — Куйла, Санобар. 19.55 — Москва шаҳар Бауман сайлов округи сайловчиларининг РСФСР Олий Совети депутатлигига номзод ўртоқ Л. И. Брежнев билан учрашуви.

II.

20.05 — Янгиликлар. 20.25 — Халқ хизматида. 20.55 — Ўқитувчи учун консультация. 21.25 — Математика. 22.25 — Романтика театри.

23 ФЕВРАЛЬ Ш А Н Б А

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 10.00 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.20 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.50 — Совет Армияси га бағишланган совет шоирларининг шеърлари. 11.20 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 13.15 — Спортлото. 13.30 — Фронтдош дўстлар клуби. 15.00 — Янгиликлар. 15.15 — Тириклар ва ўликлар. Бадиий фильм 1- ва 2-сериялар. 18.20 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 20.15 — Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. 20.30 — Останкино концерт студиясида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти кунига бағишланган байрам кечаси. 21.30 — Время. 22.15 — Останкино концерт студиясида байрам кечасининг давоми. Кеча тугагач янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Сўз кетидан, сўз келар. 10.35 — Миниатюралар театри. 11.15 — Ҳар кимнинг ўз қўшиғи бор. 11.40 — У Тошкентда яшайди. 12.10 — Концерт. 12.50 — Сиҳат-саломатлик. 13.25 — Сенинг муқаддас бурчинг. 14.00 — Онамларнинг мактаби. 14.30 — А. Фадеев. Еш гвардия. Романдан боблар. 15.10 — Ўзимиздан бири. Бадиий фильм. 18.00 — Қувноқлар даврасида. 18.30 — Бугун — Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Солдат мактублари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.30 — Озодлик солдатлари. Бадиий фильм, 4-фильм.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.20. — Душанба кўрсатувлари.

24 ФЕВРАЛЬ ЯКШАНБА

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.35 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 9.50 — Будильник. 10.20 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.20 — Тонгги почта. 11.50 — Бахт йўли. 12.30 — Қишлоқ яшчиклари. 13.30 — Музикалк киоск. 14.00 — Бугун — Сайловлар куни. 14.10 — Ҳужжатли фильм. 14.30 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 15.20 — Мультфильм. 15.30 — Ҳужжатли фильм. 16.15 — Цирк майдонида. 16.50 — Ҳукумат овози. Бадиий фильм. 18.30 — Музикали программа. 19.15 — Халқаро панорама. 20.00 — Бугун — Сайловлар куни. 20.20 — Совет композиторлари қўшиқларни мавзуларига ёзилган фантазия. 20.30 — Киносаёҳатчилар клуби. 21.30 — Время. 22.05 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 22.30 — Трамплинда сакраш. Кўрсатув тугагач, янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.05 — Янгиликлар. 10.15 — Хамма — сайловга. 10.35 — Бахт ва шодлик қўшиқлари. 11.15 — Шахмат мактаби. 11.45 — Мультипанорама. 12.15 — Қувноқ стартлар. 13.15 — Учрашувлар. Бадиий фильм. 13.45 — Спектакль. 15.00 — Ахборот. 15.15 — ЧК ходими. Бадиий фильм. 18.20 — Болалар учун концерт. 18.40 — Ўйлаб топ. 19.10 — КПСС XXV съезди кўрсатган йўлдан. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Сайловчилар учун концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Сайловчилар учун концертнинг давоми. 21.30 — Время. 22.15 — Цирк. Кинокомедия.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

15.35 — Фрунзе кўрсатувлари.

РЕКЛАМА ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/II да **Борис Годунов**, 17/II да **Оловиддиннинг сеҳрли шамчироғи** (12.00), **Севги ҳақида афсона** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Соқов рицарь**, 17/II да **Тирик мурда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 16/II да **Тўйдан олдин томоша**, 17/II да **Паранжи сирлари.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 16/II да **Фақат аҳд сотилмайди** (19.00), **Ташвишланманг, онажон** (12.00, 15.00).

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Янги программа.** ЎРГАТИЛГАН ТИМСОҲЛАР, БЎГМА ИЛОН БИЛАН ОЛИШУВ (19.30).

●

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: пахтага дастлабки ишлов бериш, металлар технологияси, ҳисоблаш математикаси (фан докторлари ва кандидатлари, профессорлар ва доцентлар);

кафедра профессорлари: электротехника ва электр ускуналари;

кафедра доцентлари: трикотаж ишлаб чиқариши, илмий коммунизм;

кафедра катта ўқитувчилари: сиёсий иқтисод, рус тили (3 ўрин — биттаси тайёрлов бўлимида ишлаш учун), тўқимачилик саноати корхоналарини ташкил этиш ва унинг иқтисодиёти, чарм буюмлар технологияси, умумий химия (Наманган умумий техника факультетида ишлаш учун);

кафедра ассистентлари: электротехника, машина деталлари, тўқувчилик, жисмоний тарбия ва спорт (5).

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй, 7-хона.

●

«ВТОРЧЕРМЕТ» ЎЗБЕКИСТОН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА ХУЖАЛИКЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИГА

«ВТОРЧЕРМЕТ»нинг Тошкент шаҳридаги Сергели заводи ва Луначарснийдаги цехи, Қорақалпоғистон АССР ва республика областларидаги цехлар ва участкалар

16, 17, 23, 24 ФЕВРАЛЬ ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ ОДАТДАГИ КУНДАГИДЕК ҚАЯТА ИШЛАНАДИГАН

ҚОРА МЕТАЛЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ БИЛДИРАДИ

●

Бутуниттифоқ пўлат конструкциялар ва илмий-тадқиқот конструкторлик-технология институтининг

НОСТАНДАРТ УСКУНАЛАР БЎЛИМИГА ВА ТЎЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАР ЗАВОДИГА

ИНСТИТУТДА ИШЛАШ УЧУН **лойиҳа бош конструктори ва етакчи конструктор;**

ЗАВОДДА ИШЛАШ УЧУН: **ностандарт ускуналар механика ишлаб чиқариш бошлиғи, участка бошлиқлари, инженер-конструкторлар**

КЕРАК

Барча мутахассислар маълумоти — механик бўлиши зарур.

Завод квартиралар билан таъминлайди. Болалар боғчаси бор.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Тўйтепа шаҳри, металл конструкциялари заводи (Революция хиёбони — Тўйтепа автобуси).

I-

СССР 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИГА

фрезерчилар, пармаловчилар, пайвандчилар ва газэлектр пайвандчилар, слесарь-йиғувчилар ва слесарь-ремонтчилар, токарлар ва универсал токарлар, созловчилар, темирчи-штамповкачилар, штамповкачилар, ишлаб чиқариш цехларига мастерлар

КЕРАК

Елгиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5-хона. Аҳолини ишга жойлаштириш бюроси ҳамда Тошкент шаҳридаги район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Время. 9.50 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 10.10 — АБВГДейка. 10.40 — Ота-оналар, Сизлар учун. 11.10 — Скрипка миниатюралари. 11.25 — Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик. 11.55 — Спортлото. 12.10 — Поэзия. 13.00 — Музикали абонемент. 13.45 — Москвичка. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Кўёш омборхонаси. 16.15 — Мультфильм. 16.35 — Время. 17.10 — Хатларингиз асосида. 17.45 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 18.55 — Концерт. 19.10 — Бизнинг обзор. Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Ю. А. Летунов олиб боради. 19.55 — Рассомлар ҳақида ҳикоялар. 20.30 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 21.30 — Время. 22.15 — XIII қишки Олимпиада ўйинларида. 22.30 — Санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти. Концерт тугагач, янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Юмор телевизион театри. 10.50 — Спорт программаси. 11.20 — Фильм-концерт. 12.15 — В. И. Ленин туғилган кунининг 110 йиллиги олдидан. 12.45 — Ота-оналар университети. 13.15 — Тенгдошларнинг ижоди. 18.20 — Мультфильм. 18.30 — До-ре-ми-фа-соль. 19.00 — Ҳайкалтарош Дамир Рўзибоев. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — Время. 22.15 — Тақдир инъоми. Кинокомедия.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17.10 — Душанба кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — М. Ниёзов ва Н. Ҳасанов қўшиқлари. 9.30 — Санъат саодатимдир. 10.25 — Гулшан. 11.30 — Биз қўшиқ айтишни севамиз. 13.00 — Халқ номзодлари. 13.30 — Дам олиш соатида. 14.00 — Баҳорни қаршилаб. 16.10 — Музикали салом. 17.30 — Сени шарафлайман инсон. 18.15 — Идеология ишининг ленинча принципларидан. 19.45 — Малика Раҳимова куйлайди. 20.25 — Аму-Бухоро канали қурувчилари учун концерт. 21.00 — Санъат саодатимдир. 21.30 — Концерт. 22.28 — Олтин водий қўшиқлари. 23.20 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

Редакция адреси: 700000, Тошкент—П, Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-84-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; халқаро ҳаёт — 32-54-18; саноат ва транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-53-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 33-35-53, 32-53-16, 32-53-20, 32-53-21, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22; коммунистик тарбия — 32-54-29; стенографистка — 33-73-43, 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 33-89-26, 32-52-26; эълонлар бўлими — 33-31-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ ҚҚАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 5-19-71; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-53-35; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-79-92; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94. Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01797. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64585. Б. — 39. 7